

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУРБОНОВА МУНАВВАРА АБДУЖАББОРОВА**

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ  
ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Қурбонова Мунаввара Абдужабборовна**

Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари..... 3

**Курбанова Мунаввара Абдужаббаровна**

Прагматические особенности речи узбекских детей..... 33

**Kurbanova Munavvara Abdujabbarovna**

Pragmatic features of Uzbek children's speech..... 65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 69

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУРБОНОВА МУНАВВАРА АБДУЖАББОРОВА**

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ  
ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.DSc/Fil70 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Худайбергана Дурдона Сидиковна**  
филология фанлари доктори

**Маматов Абдумурод Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Ҳакимов Муҳаммад Хўжахонович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99890) 318-25-30; e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz)).

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99890) 318-25-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.С.Сирожиiddинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Ё.Р.Одилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

**Н.М.Маҳмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида сўнгги йилларда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда тил тизимини ўрганишга антропоцентрик парадигма асосида ёндашув тенденцияси етакчилик қилмоқда. Ўтган аср охирларида антропоцентрик тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири сифатида майдонга келган прагмалингвистикада тил бирликларининг нутқ вазияти, контекст, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, тилга оид кўникма ва малакалари каби қатор омиллар билан боғлиқ ҳолда реаллашадиган имкониятларини ўрганишга эътибор қаратила бошланди.

Дунё тилшунослигида прагмалингвистиканинг бу каби муаммолари қаторида болалар нутқида коммуникатив мақсаднинг воқеланиши, болаларга хос нутқий акт кўринишларининг прагматик хусусиятлари, болалар нутқида дейксиснинг ифодаланиши, болалар томонидан ҳосил қилинадиган нутқий коннотация ҳамда баҳо муносабати кабиларни тадқиқ этиш ҳам долзарбдир. Маълумки, болалар онгида ижтимоий-маданий, психофизиологик, лисоний омиллар ҳамда концептуал билимлар асосида ҳосил бўладиган оламнинг миллий-маданий образи нутқий фаолият жараёнида ўзига хос вербал ифодалар орқали реаллашиб, прагматик хусусиятини намоён қилади. Мазкур когнитив жараён натижаси сифатида юзага келувчи нутқ кўринишларининг прагмалингвистик хусусиятларини ўзбек болалар нутқи мисолида тадқиқ этиш прагмалингвистика учун қимматли назарий билимлар беради.

Ўзбек тилшунослигида ҳам тил бирликларини прагмалингвистик аспектда тадқиқ этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада ўзбек прагмалингвистикасига асос солинди. Бугунги кунда бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириш, фан, таълим, ишлаб чиқариш соҳаларидаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш лозим. Зеро, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш»<sup>1</sup> да бу йўналишда олиб бориладиган ишлар муҳим ўрин тутуди. Ўзбек болалари нутқининг прагмалингвистик хусусиятларини ўрганиш масаласи ҳам амалий ечимини кутаётган вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ўзбек болаларнинг лингвокреатив салоҳияти, коммуникатив қобилиятини, шунингдек, уларнинг нутқида тил бирликларига хос ички имкониятларнинг воқеланиши даражасини аниқлаш тилшунослигимиздаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар Академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ташқил этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.<sup>2</sup>**

Болалар нутқининг когнитив-прагматик жиҳатлари тадқиқи жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Waseda University (Япония), University of Cambridge, University of Oxford (Англия), University of Alberta (Канада), Griffith University (Австралия), Киев миллий университети (Украина), Урал давлат педагогика университети, Волгоград ижтимоий педагогика университети, Россия давлат педагогика университети, Москва давлат лингвистика университети (Россия), шунингдек, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда болалар нутқида прагматик семаларнинг ҳосил бўлишига оид тадқиқотлар бажарилиши жараёнида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: болалар томонидан нутқий актнинг ҳосил қилиниши асосланиб, уларда прагматик қобилиятнинг намоён бўлиши хусусиятлари далилланган (Waseda University, Япония); болалар нутқининг коннотатив хусусиятга эга эканлиги исботланган (University of Cambridge, University of Oxford, Англия), University of Alberta, Канада), Griffith University, Австралия); болаларнинг диалогик, полилогик спонтан нутқида когезия ва нутқий актлар вариацияларидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар белгиланган (Киев миллий университети, Украина); болалар нутқида оид неологик дискурс аниқланган (Урал давлат педагогика университети, Россия); мактаб ёшидаги болалар мулоқотида лақабларнинг ифодаланиши, бадий матн мисолида инглиз тилида сўзлашувчи болалар нутқида лисоний шахс, эмотив компетенция, олам лисоний манзарасининг намоён бўлиши масаласига аниқлик киритилган (Волгоград ижтимоий педагогика университети, Россия); онтогенез даврида дастлаб шахс, макон, замон дейксисларини ифодаловчи воситаларнинг ўзлаштирилиши илмий асосланган (Россия давлат педагогика университети, Россия); болалар нутқининг ассоциатив-прагматик хусусиятлари очиқ берилган (Москва давлат лингвистика университети, Россия); болалар нутқида прагматик мазмунни шакллантирувчи ҳодисаларнинг юзага келиши сабаблари

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.waseda.jp/top/>, <https://www.cam.ac.uk/>, <http://www.ox.ac.uk/>, <https://www.ualberta.ca/>, <https://www.griffith.edu.au/>, <http://www.univ.kiev.ua/ru/>, <https://uspu.ru/>, [www.vspu.ru/](http://www.vspu.ru/), <https://www.herzen.spb.ru/>, <https://linguanet.ru/>, <http://www.navoiy-uni.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

аниқланган (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон).

Жаҳон тилшунослигида болалар нутқида прагматик интенциянинг намоён бўлиши билан боғлиқ муаммолар талқини доирасида қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: онтогенез даврида дейктик бирликларнинг ўзлаштирилиши даражасини аниқлаш; кичик ёшдаги болалар нутқининг дискурсив-прагматик хусусиятларини очиқ бериш; болалар томонидан нутқий таъсирчанликнинг таъминланишида лисоний ва нолисоний омилларнинг ўрнини белгилаш; билингвал болалар нутқида социопрагматик муаммоларнинг юзага келиши сабабларини асослаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида болалар нутқида дейксиснинг ифодаланиши масаласи изчил ўрганилган. Мазкур муаммо таҳлиliga оид ишларда болалар томонидан дейктик бирликларнинг ўзлаштирилиш босқичлари ҳам белгиланган.<sup>3</sup> Болалар нутқининг прагматик тадқиқида уларнинг нутқини бевосита кузатиш ҳамда махсус тажриба ўтказиш орқали тўпланган лингвистик материаллар билан бир қаторда, бадий манбалардан тўпланган мисоллардан мақсадли фойдаланиш тажрибаси ҳам қўлланилган. Жумладан, Е.Белоглазова, О.Л.Строгоноваларнинг тадқиқотларида бадий матн мисолида болалар нутқининг дискурсив-прагматик ҳамда лисоний репрезентатив хусусиятлари ўрганилган.<sup>4</sup> Болалар нутқиға хос репрезентатив хусусиятларнинг персонаж образи, ёзувчи томонидан белгиланган бадий вазифаларға боғлиқ ҳолда намоён бўлиши Е.Ю.Моисеенконинг ишларида ҳам илмий асосланган.<sup>5</sup> Болалар нутқининг шаклланиши масаласи таҳлил этилган айрим манбаларда нутқда прагматик хусусиятларни намоён этувчи нолисоний омиллар белгиланган.<sup>6</sup>

Ўзбек тилшунослигида болалар нутқининг прагмалингвистик хусусиятлари махсус тадқиқот объекти бўлмаган. Бироқ болалар нутқининг лисоний хусусиятлари, социопсихоллингвистик жиҳатлари монографик аспектда ўрганилган.<sup>7</sup> Икки тил шароитида ўзбек болалари нутқида замон муносабатларининг ифодаланиши масаласи ҳам тадқиқ этилган.<sup>8</sup>

<sup>3</sup> Добрава Г.Р. Онтогенез персонального дейксиса / <http://www.dslib.net/jazyko-znanie/ontogenez-personalnogo-dejksisa.html>; Королев В. Стадии освоения детьми средств выражения локативного и темпорального дейксиса / <http://cyberleninka.ru/article/n/#ixzz2K6sLGDIP>; Краснощекова С.В. Местоименный дейксис в русской детской речи / <https://iling.spb.ru/dissovet/theses/.../thesis.pdf>

<sup>4</sup> Белоглазова Е.В. Дискурсивная гетерогенность литературы для детей: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2010. – 30 с.; Строгонова О.Л. Особенности репрезентации языковой личности подростка: лингво-прагматический аспект (на материале современных англоязычных учебно-методических комплексов и художественной литературы о подростках). <http://dissers.ru/1filologiya/.php>

<sup>5</sup> Моисеенко Е.Ю. Дискурсивно-прагматические особенности детской речи (на материале современного английского языка) / <http://avtoreferat.net/content/view/10628/31/>

<sup>6</sup> Детская прагматика или социально-психологический аспект развития речи / <http://matenok.ru/pragmatika.php>

<sup>7</sup> Сайидирахимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б.; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.

<sup>8</sup> Исмаилов М.С. Грамматические способы выражения пространственных отношений при двуязычии (на материале узбекско-русского раннего двуязычия): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М.: 1988. – 23 с.

Онтолингвистикага доир аксарият тадқиқотларда болалар нутқини бевосита кузатиш ҳамда таълим-тарбия муассасаларида ўтказилган махсус тажрибаларда тўпланган далилий материаллар таҳлилга тортилган. Уларда болалар томонидан она тилининг фонетик тизими, грамматик имкониятлари, шунингдек, иккинчи тилнинг ўзлаштирилиши жараёнидаги муаммоли жиҳатлар, болалар нутқида кузатиладиган ўзига хос лексик-семантик бирликлар лингвистик, лингвокультурологик ҳамда гендерологик аспектларда ўрганилган.<sup>9</sup> Бошланғич синф ўқувчилари учун тузилган «Сўз сандиқчаси: Ўзбек тилининг изоҳли луғатчаси»ни болалар лисоний захираси ва нутқини ўстиришга хизмат қилувчи манба сифатида баҳолаш мумкин.<sup>10</sup>

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Тилнинг ижтимоий, тарихий ва замонавий тараққиётини ўрганиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек болалари нутқининг прагматик хусусиятларини очиб бериш: болалар томонидан ҳосил қилинган нутқий акт турларини таснифлаш; болалар нутқида дейктик вазифа бажарувчи тил бирликларини аниқлаш, пресуппозиция, коннотация ва баҳо муносабатининг ифодаланиши муаммосини ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларга хос нутқий акт кўринишларини аниқлаш ҳамда прагматик хусусиятларини очиб бериш;

болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, прагматик тўсиқнинг турларини белгилаш;

болалар нутқининг дейктик хусусиятларини тадқиқ этиш, дейкисни ҳосил қилувчи тил бирликларини ажратиш ва прагматик хусусиятини ёритиш;

болалар нутқида пресуппозициянинг ифодаланиши масаласини ўрганиш, болаларга хос «пресуппозиция сигналлари»ни ажратиш;

бадий матн ҳамда сўзлашув нутқидан олинган мисоллар асосида болалар нутқида коннотациянинг ифодаланиши усулларини белгилаш, коннотацияни ифодаловчи тил бирликларининг прагматик хусусиятини очиб бериш;

болалар нутқида баҳо муносабатининг ифодаланишини таҳлил қилиш, баҳо муносабатини юзага чиқарувчи тил бирликларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги (7-14 ёш) ўзбек болаларига хос нутқ кўринишлари танланган, лингвопрагматик таҳлилларда бевосита кузатишда тўпланган материаллар ҳамда болалар адабиётидан саралаб олинган намуналарга таянилган.

<sup>9</sup> Умархўжаева О. Болалар нутқининг баъзи фонетик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 5. – Б. 52-53; Искандарова Г. Болалар мулоқот хулқининг гендер ва лингвокультурологик хусусиятлари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент: Университет, 2015. – № 1/2. – Б. 200-203.

<sup>10</sup> Mahmudov N. Soʻz sandiqchasi: Oʻzbek tilining izohli lugʻatchasi. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom, 2016. – 216 b.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги ўзбек болалари нутқида прагматик хусусиятларни намоён этувчи лисоний ва нолисоний бирликлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, киёслаш ҳамда дискурсив таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек болаларига хос нутқий акт турлари аниқланган, бевосита ва билвосита нутқий акт турлари фарқланиб, прагматик хусусиятлари очиб берилган;

болалар перцептив фаолиятида коммуникатив-прагматик тўсиқни юзага келтирувчи лисоний ва нолисоний омиллар аниқланиб, прагматик тўсиқнинг нутқни тушунишга салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

болалар нутқида дейктик вазифа бажарувчи фонетик, лексик, морфологик, синтактик бирликлар ажратилиб, болалар ва катталарга хос дейктик бирликларнинг фарқли жиҳатлари асосланган;

болалар нутқининг пресуппозицион хусусиятлари очиб берилган, катталарда ҳам кузатиладиган ва фақат болаларга хос «пресуппозиция сигналлари» аниқланган;

коннотациянинг болалар нутқида ҳосил бўлиши усуллари далилланган;

болалар нутқида баҳо муносабатининг ифодаланиши очиб берилган, ижобий ва салбий баҳо турлари фарқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

болалар нутқининг ўзбек тили бирликлари нутқий имкониятларини амалий жиҳатдан намоён этиши асосланган, илмий-назарий хулосаларнинг «Прагмалингвистика», «Социолингвистика», «Психолингвистика» бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини яратишга хизмат қилиши далилланган;

ўзбек болалари нутқида прагматик тўсиқни юзага келтирувчи лисоний ва нолисоний омиллар аниқланиб, уларнинг нутқни хиралаштириши, идрок этишга ҳалақит бериши асосланган ҳамда уни бартараф этиш йўллари кўрсатилган;

болалар нутқида қўлланган дейктик бирликлар, коннотатив ифодалар, баҳо ифодаловчи бирликлар орқали тил бирликлари нутқий имкониятларини мукамал билишнинг матнни мантикий-семантик жиҳатдан чуқур идрок этишда муҳим роль ўйнаши асосланган;

ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг болалар билан мулоқотида кузатиладиган нутқий тўсиқларни бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқишда тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятга эга эканлиги белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** болалар нутқининг тилшуносликнинг замонавий йўналиши асосида тадқиқ этилганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг замонавий лингвистик таҳлил методлари орқали асосланганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан

тасдиқланганлиги, мавзунинг жаҳон тилшунослигининг энг сўнгги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти болалар нутқининг прагмалингвистик хусусиятларига доир мавжуд илмий-назарий қарашларни янги билимлар билан бойитишга хизмат қилиши; прагмалингвистикада олиб борилаётган тадқиқот ишларига, хусусан, нутқий акт турларини белгилаш ва таснифлашда, нутқининг дейктик, пресуппозицион, коннотацион хусусиятларини аниқлашда назарий асос вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти антропоцентрик тилшуносликка оид дарслик, ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар тайёрлашда; филологик йўналишларда маъруза ва семинар машғулотларини ташкил қилишда, прагмалингвистика бўйича ўқув луғатларини тузишда фойдаланиш мумкинлиги, ота-оналар, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчи ҳамда мураббийларига болалар нутқини ўстириш, уларнинг нутқида юзага келадиган турли прагматик тўсиқларни баргараф этишда кўмак бериши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

П.Қодировнинг «Акрамнинг саргузаштлари» қиссасидаги нутқий бирликларнинг прагматик тавсифига оид материаллар таҳлилида Artvin Çoruh университетининг (Туркия) №:2013.S23.02.15 рақамли «Pirimkul Kadırov'un Romanları Üzerine Bir İnceleme» лойиҳасида фойдаланилган (Artvin Çoruh университетининг 2016 йил 27 июлдаги Е.3546-сон маълумотномаси). Натижада болаларга хос нутқий актлар таҳлили асосида П.Қодиров асарларининг тил имкониятлари, ёзувчининг индивидуал услуби, образ яратиш маҳорати очиб берилган;

болалар нутқида фаол қўлланувчи *устоз*, рамазон ойининг фазилятлари ҳақида кўшиқ куйловчи болаларга ишора қилувчи *рамазончи* каби бир қатор дейктик номларнинг социопрагматик хусусиятлари ҳақидаги назарий хулосалар ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» номли фундаментал лойиҳага татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 26 мартдаги 3/1255-749-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари асосида мазкур лексик бирликларнинг прагматик маънолари очиб берилган;

мактабгача ёшдаги болалар коммуникатив фаолиятида кузатиладиган аксарият прагмалингвистик жиҳатларнинг нутқий одоб кўникмаларининг шаклланганлик даражаси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлиши, бадиий адабиётда болалар тилидан акс эттирилган коннотатив ва баҳо ифодаловчи воситалар орқали тил бирликларининг нутқий имкониятларини мукаммал билиш матни мантиқий-семантик жиҳатдан чуқур идрок этишда муҳим роль ўйнаши хусусидаги назарий қарашлардан А-1-069 рақамли «Ўзбекистонда оила институтини ривожлантиришнинг ва баркамол авлодни тарбиялашнинг

маънавий-ҳуқуқий, демографик, тиббий-психологик омилларини тадқиқ қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги 89-03-1253-сон маълумотномаси). Натижада болалар томонидан эмоционал-экспрессив бўёқдор сўзларнинг ўзлаштирилишида ижтимоий муҳит, хусусан, оиланинг ўрни ҳақидаги масалалар илмий асосланган;

Мулоқот хулқининг шаклланиши ва ривожланишида ижтимоий-психологик, миллий-маданий омилларнинг ўрни хусусидаги замонавий қарашлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Замонавий таълим» кўрсатуви сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2018 йил 31 январдаги 02-15/53-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифлар кўрсатувнинг ҳолис ёндашув асосида тайёрланиши ҳамда тарбиявий аҳамиятини оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 13 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш: 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ҳамда 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 240 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларга хос нутқий акт кўринишларининг прагматик тавсифи**» деб номланган биринчи бобида болалар нутқининг прагматингвистик аспектда ўрганилиши масаласига муносабат билдирилган, прагматингвистикада нутқий акт бўйича илгари сурилган қарашлар таҳлил қилинган, болалар томонидан ҳосил қилинадиган нутқий акт турлари аниқланиб, таснифланган; болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага

келиш омиллари белгиланиб, уларни бартараф этишга доир тавсиялар берилган.

Ўтган асрнинг сўнги йилларида тил тизимини шахс омили билан боғлиқ ҳолда ўрганувчи йўналиш сифатида майдонга чиққан прагмалингвистика ҳозирги кунга келиб ўрганиш объекти, асосий тушунчалари, ўз терминологик тизими, назарий муаммолари, мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб олди. Аммо «прагмалингвистика ҳамон «навқиронлик» даврида. Навқиронлик эса – истиқболли режаларга тўлиқликдир, ҳозирча ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардан тап тортмасликдир».<sup>11</sup> Прагмалингвистиканинг истиқболли масалалари қаторида болалар нутқининг прагмалингвистик хусусиятларини ўрганиш муаммоси ҳам долзарбдир.

Дунё тилшунослигида бу йўналишда амалга оширилган ишларда асосий эътибор болалар нутқида хос дейктик бирликларни ўрганишга қаратилган. Жумладан, Г.Доброва, В.Королев, С.Красношекова олмош, равиш туркумига оид дейктик бирликлар ҳамда қариндошлик терминларининг дейктик вазифасини ўрганган.<sup>12</sup> Онтогенез даврида қўлланадиган айрим дейктик бирликларнинг дастлабки кўриниши нутқий имитация ва тақлидга асосланади. Шу боис болалар нутқининг прагматик хусусиятлари ўрганилган ишларда имитация таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. А.Н.Корневнинг фикрича, филогенез ва онтогенез жараёнининг илк босқичида болаларда нутқий имитация кузатилса, кейинги босқичда унинг ўрнини тақлид эгаллайди. Бунда имитация нутқий актнинг ўзига хос шакли сифатида воқеланади.<sup>13</sup> Нутқий акт эса прагмалингвистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Маълум бўладики, болалар нутқини прагмалингвистик аспектда ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, тилни инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш тенденциясига асосланади. Болалар нутқининг прагмалингвистик аспекти кенг қамровли муаммоларни ўз ичига олса-да, диссертациянинг мақсади ва белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор болалар томонидан яратилган нутқий акт кўринишларини таҳлил қилиш, улар нутқида қўлланган дейктик бирликларнинг прагматик хусусиятларини ёритиш, болалар нутқида пресуппозиция, коннотация ва баҳо муносабатининг ифодаланиши муаммосини тадқиқ этишга қаратилди.

Прагмалингвистиканинг марказий масалаларидан бири нутқий акт назариясидир. Коммуникатив алоқанинг нутқий ҳаракатни англаувчи вербал ифодали бирлиги нутқий акт саналади. Нутқий актда хабар, сўроқ, буйруқ, изоҳ бериш, кечирим сўраш, ташаккур билдириш, табрик ифодалаш каби

<sup>11</sup>Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 6.

<sup>12</sup>Доброва Г.Р. Онтогенез персонального дейксиса / <http://www.dslib.net/jazyko-znanie/ontogenez-personalnogo-dejksisa.html>; Королев В. Стадии освоения детьми средств выражения локативного и темпорального дейксиса / <http://cyberleninka.ru/article/n/stadii-osvoeniya-detmi-sredstv-vyrazheniya-lokativnogo-i-temporalnogo-deyksisa#ixzz2K6sLGDIP>; Красношекова С.В. Местоименный дейксис в русской детской речи / <https://iling.spb.ru/dissovet/theses/.../thesis.pdf>

<sup>13</sup>Корнев А.Н. Прагматические аспекты речевых имитаций у детей четвертого года жизни. <http://www.iling.spb.ru/grammatikon/child/contence.html> - 31.05.2004.

турли нутқий ҳаракатлар амалга оширилади. Нутқий актнинг шаклланишида вербал бирликлар билан бирга иштирок этувчи новербал воситалар мулоқотнинг ёрдамчи воситалари саналади.

Маълумки, мулоқот жараёни муайян мақсадга йўналтирилган нутқий актларни тақозо этади. Нутқий фаолият ҳақида мулоҳаза юритар экан, Ш.Сафаров «сабаб-мотив-мақсад» занжири нутқий фаолият режасини шакллантириб, уни воқелантиришини қайд этади.<sup>14</sup> Назаримизда, «сабаб-мотив-мақсад» занжирига *вербал* (баъзан новербал) *ифодани* ҳам киритиш жоиз. Чунки нутқий фаолиятнинг шаклланишига дастлабки босқичда Ш.Сафаров қайд этган нолисоний омиллар туртки берса, сўнгги босқичда у нутқий ифодасига эга бўлади. Вербал ифода нутқий фаолиятнинг сўнгги нуктасини англатади.

М.Ҳакимов нутқий актда қуйидаги компонентлар иштирок этишини қайд этган: сўзловчи, тингловчи, нутқ объекти – фактик материал ҳамда нутқий вазият.<sup>15</sup> Назаримизда, нутқий актнинг амал қилиши учун зарур бўлган компонентлар қаторига нутқ иштирокчиларининг умумий тил билими ва тил кўникмасини ҳам киритиш лозим. Агар нутқ иштирокчилари тил билимига (ҳатто имо-ишора тилига) эга бўлмасалар, нутқий акт нафақат томонларга тушунарсиз бўлади, балки унинг амалга ошиши даргумон бўлиб қолади.

Нутқий акт сўзловчининг муайян коммуникатив мақсадига бўйсундирилгани боис унинг турли кўринишлари фарқланади. Манбаларда хабар, истак, мажбурият актлари, ижтимоий этикет кўринишлари, эмоционалликни ифодаловчи актлар, маъқулловчи, тақиқловчи, нутқни тўхтатувчи акт каби турлари қайд этилади.<sup>16</sup> Нутқий актнинг коммуникатив мақсадга бўйсундирилиши, воқеланишида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий муҳит, мулоқот вазияти, нутқ эгаларининг тил кўникмаси кабилар прагмалингвистиканинг тадқиқ объектлари ҳисобланади.

Тилшуносликда нутқий актни баён этишнинг бевосита ва билвосита турлари ҳам фарқланади. Нутқий актни уни ифодалашга хосланмаган синтактик структура орқали билвосита баён этишда икки хил ҳолат кузатилади: а) синтактик структуранинг бирламчи маъноси сақланиб қолади, унга кўшимча синтактик маъно юкланади; б) синтактик структуранинг бирламчи маъноси буткул йўқолади, унинг ўрнини ўзга синтактик маъно эгаллайди.

Болаларнинг мулоқот жараёнида қандай нутқий акт турини танлаши уларнинг психологик ҳолати, айниқса, ёш хусусияти билан боғлиқ. Масалан, уч ёшли болалар кўпинча сўроқ актларидан фойдаланадилар. Бу ҳолат

<sup>14</sup> Сафаров Ш. Қўрсатилган асар. – Б. 63.

<sup>15</sup> Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 108.

<sup>16</sup> Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // Новое в зарубежной лингвистике: Лингвистическая прагматика. – М., 1985. Вып. XVI. – С. 233-250; Серль Дж. Классификация иллокутивных актов // Новое в зарубежной лингвистике: Теория речевых актов. – М., 1986. Вып. XVII. – С. 170-194; Гонгало Е.Ф. Теория речевых актов Дж.Остина и Дж.Серля // Материалы V Международной научной конференции «Культура, наука, образование в современном мире». – Гродно, 2011. – С. 45-49.

уларнинг ташқи оламни билишга ўта қизиқувчанликлари билан алоқадор. Диссертацияда болалар нутқида локутив, перлокутив, иллокутив актнинг ифодаланиши масаласи ёритилди.

*Болалар нутқида локутив актнинг воқеланиши.* Нутқий акт назариясига киритилган *локутив акт* тушунчаси прагмалингвистикада сўзлаш актига нисбатан қўлланилади. М.Ҳақимовнинг фикрича, «сўзловчининг объектив оламда рўй бераётган воқеликни идрок қилиши ва уни вербал ҳамда новербал ифодалаш даражаси маълум маънода локуция тушунчасини акс эттиради».<sup>17</sup> Эътибор берилса, мазкур талқинда локуция воқеликнинг новербал ифодасини ҳам қамраб олган. Аммо мулоқотнинг новербал ифодаси нутқий актнинг таркибий қисми бўлса-да, локутив акт билан бир нуқтада кесишмайди.

Болалар нутқида локутив акт баъзан нутқий меъёрларга мос тарзда, баъзан унга амал қилинмаган ҳолда шаклланади. Локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофиқ шакллари мактабгача ёшдаги болалар нутқида кўп кузатилади. Бу ҳолат бир қатор ташқи омиллар билан боғлиқ. Булардан бири физиологик омилдир. Масалан: ... – *Байям зўй бўлди.* (Муслимахон Кенжаева, 2 ёш)

Мактабгача ёшдаги бола томонидан ҳосил қилинган ушбу локутив актда *p* товушининг талаффузи орфоэпик меъёрга мувофиқ эмас. Табиийки, физиологик омиллар таъсирида локутив акт қанча кўп фонетик ўзгаришга учраган ҳолда талаффуз қилинса, коммуникатив-прагматик тўсиқ юзага келиб, тингловчининг уни идрок этиши шу даражада мураккаб кечади. Болаларда локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофиқ бўлиши нутқ жараёнида юзага келадиган турли товуш ўзгаришлари билан ҳам боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида метатеза, протеза ҳодисалари кўп учрайди. Бу ҳолат уларнинг сўзларни шошиб талаффуз қилиши, айрим ўзлашмаларни талаффуз қилишга қийналиши асосида юзага келади. Масалан, «*Бизани хошли қўйимиз сузади*» (М.Содиқова) мисолида бола томонидан беихтиёр содир этилган дистант метатеза (*шошли – хошли*) нутқнинг қийин идрок этилишига сабаб бўлган.

*Болалар нутқида пропозиция актнинг воқеланиши.* Нутқий актда ифода этилган нутқ предмети ҳақидаги ахборот пропозиционал акт ҳисобланади. Бироқ пропозиционал акт ифодасида талаффуз акти содир этилганлиги унинг локутив акт билан бир нуқтада кесишувини кўрсатади. Худди шундай, пропозиционал акт орқали нутқ эгасининг коммуникатив нияти амалга ошганлиги ушбу актнинг иллокутив акт ҳам саналишини англатади. Бошқача айтганда, пропозиционал акт мураккаб тузилишли бўлиб, унда бир неча акт турларининг қоришуви кузатилади. Пропозиционал акт баъзан нутқ эгасининг субъектив муносабатини ҳам қамраб олади: *Тагин сал уришсам, дарров ойимга чақиб беради. «Ака бижи», – дейди.* (Ў.Ҳошимов)

Болалар нутқ жараёнида, асосан, ахборотни ошқора баён этувчи пропозиционал актларни тузадилар. Мактаб ёшидаги болалар нутқида,

---

<sup>17</sup> Ҳақимов М. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 33.

мактабгача ёшдаги болалардан фарқли тарзда, яширин ахборотни ташувчи пропозиционал актлар ҳам қўлланади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқига хос соддалик уларнинг мулоқот жараёнида асосан бевосита ахборот ташувчи пропозиционал актлардан фойдаланишида намоён бўлади.

Болалар пропозиционал актда яширин ахборотни ифодалаш мақсадида баъзан новербал воситалардан фойдаланадилар. Масалан: ... *Ҳаммамиз тасир-тусурига олиб қарсак чалиб юбордик. Дилижон кўп айтиб, ёнгоқни кўп олиб қўймасин, деб қарсак чалдик.* (Х.Тўхтабоев) Англашиладики, қарсак чалиш хатти-ҳаракати нутқ эгасини гапиришдан тўхтатиш учун қўлланган. Шу боис бу хатти-ҳаракат орқали жумладан «*Гапингни тўхтат!*» ахбороти англашилади.

Мактаб ёшидаги болалар муайян ахборотни ошкора ифодаламаслик мақсадида яширин ифодалардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бола улғайгани сари унда нутқий инновация асосида ҳосил бўлган «яширин тиллар» ҳам шакллана боради. Қуйидаги мисолга эътиборимизни қаратамиз: *Суюлтириб олиб келганига қараганда сув қўшса керак-да, лаънати, – деди Аъзам. – Ферма билан Белариқ ўртасида сув йўқ-ку, қандай қилиб қўшади. – Ламаймизмипой? – Дайқанлибқи? – деди Аъзам. Кўчқор муаллим бу қанақа тил, дегандай бизларга қаради.* (Н.Фозилов)

*Болалар нутқида иллокутив актнинг воқеланиши.* Иллокутив акт нутқ эгасининг муайян мақсадини акс эттирувчи сўзлаш ҳаракати бўлиб, унда коммуникатив мақсад ошкора ёки яширин ифодасига эга бўлади. Қуйидаги матнни таҳлил қиламиз: *Шу пайт бошимга ажойиб бир фикр келди-ю, севинганимдан қарсак чалиб юбораёдим... – Қани айтинг-чи, қўлимдаги қоғозларнинг қайси бири лойиҳа-ю, қайси бири генплан? ... – Ўнг қўлингиздаги лойиҳа, чап қўлингиздаги генплан, – деб жавоб берди. – Молодец! Қани ким айтади, қурилишнинг биринчи иши нимадан бошланади?...* (Х.Тўхтабоев) Ҳошимжон Рўзиев нутқида қўлланган сўроқ актларида унинг асл коммуникатив мақсади яширинган. Нутқ эгасининг мақсади ўзи айтганидек, «имтиҳон қилиш» эмас, балки ўзи учун номаълум бўлган маълумотларни билиб олишдан иборат.

Болаларнинг нутқда коммуникатив ниятларини яшириши турли омиллар билан боғлиқ. Масалан, ўзбек маданиятида боланинг отасига нисбатан буйруқ актини қўллаши одобсизлик ҳисобланади. Мазкур вазият қуйидаги мисолда болани буйруқни англатувчи ахборотни дарак гап шаклида баён этишга ундаган: – *Сардор Раҳимжонов (4 ёш)га отаси: – Коптогингни кўчада ўйнагин, – деди ҳовлини кўрсатиб. Сардор: – У кўчамас, ҳовли. (У ерни ҳовли денг)*

Болалар нутқ жараёнида иллокутив актнинг тасдиқ, сўроқ, илтимос, буйруқ, кечирим, истак, талаб каби турларини ҳосил қиладилар. Катталардан фарқли тарзда болалар нутқида маслаҳат, киноявий тасдиқ, огоҳлантириш, ваъда актлари кам учрайди. Рози-ризолик акти болаларга деярли хос эмас.

*Болалар нутқида перлокутив актнинг воқеланиши.* Перлокутив акт сўзловчининг тингловчига нутқий таъсир кўрсатиш акти ҳисобланади. Нутқий таъсир кўрсатиш болалар нутқига хос характерли хусусиятдир.

Болалар кўпинча хабар, буйруқ, сўроқ актлари орқали нутқий таъсир кўрсатишни мўлжаллайдилар. Куйидаги перлокутив актда болага хос буйруқ акти ва унинг таъсир кучи ўз ифодасини топган: ... *Шу пайт Акрамнинг ўртоғи Шавкат дарвозадан бошини суқиб: – Чик, ўйнаймиз! – деди. Машиналарингни опчиқ! Акрам қизил автобусчасини кўчага олиб чиқди.* (П.Қодиров)

Болалар нутқида перлокутив актнинг билвосита ифодаланувчи тури ҳам учрайди. Нутқий актни билвосита ифода этиш нутқнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади. Масалан, «– *Дада, шуни ҳам оберинг! ... – Дадажо-он! – деб эркаланди Акрам*» (П.Қодиров) перлокутив актида боланинг илтимоси бевосита акс этган. Аммо матн давомида берилган «*Дадажо-он*» ундалмаси нутқ эгасининг илтимос актини («*Илтимос, олиб беринг*») билвосита ифодалашга хизмат қилган. Илтимос актнинг бу тарзда баён этилиши, асосан, болаларга хос бўлиб, уни илтимосни ифода этишнинг коннотатив усули сифатида баҳолаш мумкин.

*Болалар нутқида хос прагматик тўсиқ.* Прагматик тўсиқ нутқнинг тушунилишига тўсиқ бўлувчи, унинг мазмунини хиралаштирувчи ходисадир. Болалар коммуникатив фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган прагматик тўсиқни икки жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1. Болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиши. 2. Болалар томонидан ўзгалар нутқининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилиниши.

*1. Болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиши.* Болалар нутқида куйидаги омиллар таъсирида тингловчи учун прагматик тўсиқ юзага келади: 1) болаларнинг сўзларни орфоэпик меъёрга зид ҳолда талаффуз қилиши; 2) болалар томонидан сўзларнинг ноўрин қўлланиши; 3) болалар ҳосил қилган индивидуал окказионализмлар; 4) болаларнинг нутқ объекти ҳақида билимга эга бўлмаслиги ва уни нотўғри талқин этиши; 5) бола ва адресат ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, уларнинг ҳудудий хосланиши.

Диссертацияда болалар нутқида прагматик тўсиқни юзага келтирувчи бу омилларнинг ҳар бирига изоҳ берилди. Масалан, боланинг сўз маъносини билмаслиги куйидаги матнда прагматик тўсиқни юзага келтирган: ... – *Биз қори поччам билан мурда овлагани кетяпмиз, – дедим аччизим чиқиб...* (Х. Тўхтабоев) Англашиладики, бола *мурид* сўзини эшитган, аммо унинг маъносини тушунмайди, шу боис нутқида бу сўз ўрнида унга товуш жиҳатдан ўхшаш бўлган *мурда* лексемасидан фойдаланган.

Прагматик тўсиққа сабаб бўлган контаминация асосида телескопик усул билан ҳосил қилинган куйидаги гибрид ясалмани болаларга хос окказионализмнинг ажойиб намунаси сифатида баҳолаш мумкин: *Юлдуз. Уч яшар. – Нима ейсан, Юлдуз, нокми, шоколадми? – Ноколад!* (Ў.Ҳошимов)

Бола икки турдаги маҳсулотни бир сўз билан аташ мақсадида *нок* ва *шоколад* сўзларининг таркибий қисмларидан фойдаланиб, окказионал сўз ҳосил қилган ёки *ноколад* сўзини ғайритабиий равишда яратган дейиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам *ноколад* сўзини тушуниш адресатга қийинчилик туғдиради.

2. *Болалар томонидан ўзгалар нутқининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилиниши.* Болалар томонидан хали ўзлаштирилмаган, аммо нутқий мулоқот жараёнида қўлланган лексик бирлик улар учун нотаниш ва тушунарсиз бирлик ҳисобланади. Бундай ҳолат бола томонидан сўзловчи нутқида акс этган асосий ахборотнинг тўғри англанишига тўсқинлик қилади. Баъзан болаларнинг сўзнинг кўчма маъносини билмасликлари воқеликни нотўғри талқин қилишларига сабаб бўлади. Масалан: *Хурсанд амакининг буфети мактабимиз ёнгинасида... Нима учундир қишлоғимиздагилар у кишини «тулки» дейишади. Аслида эса Хурсанд амаки тулкидан кўра кўпроқ айиққа ўхшайди. Қорни қондай...* (А.Кўчимов) Бола *тулки* лексемасига юкланган кўчма маънони идрок эта олмаган. Катталар томонидан тулкига хос айёрлик сифати асосида ном кўчирилиши боланинг нутқни идрок этишида прагматик тўсиқни ҳосил қилган.

Ўзгалар нутқида қўлланган фразеологик бирлик ҳам айрим мактабгача ёшдаги болаларда прагматик тўсиқни ҳосил қилади. Бу ҳолат кичик ёшдаги болаларда фразеологик захиранинг анча чекланганлигини кўрсатади. Масалан: – *Нималарни ўйлаяпсиз? – Ҳе-ей, беш кунлигим борми-ўйғми, бажаришим керак бўлган ишларнинг сон-саногии ўйқ. – Атиғи беш кунми?* (Р.Муҳаммаджонов) Англашиладики, бола фразеологизм маъносини англаб етмагани боис кутилмаган савол орқали ўзига хос мулоқот актини ҳосил қилган.

Хуллас, болалар томонидан ўзгалар нутқининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилинишига бир неча омиллар таъсир кўрсатади. Булар: ўзгалар нутқида болалар учун маъноси тушунарсиз бўлган сўзларнинг қўлланиши, сўзларнинг орфоэпик меъёрга зид ҳолда талаффуз этилиши, сўзларнинг ноўрин қўлланиши, эллиптик жумлаларнинг ишлатилиши кабилардир.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Болалар нутқида хос дейктик бирликларнинг прагматик талқини**» деб номланган. Бу бобда дейксис ҳодисасининг моҳияти, ўрганилиши масаласига муносабат билдирилган; болалар нутқида фонетик, лексик, морфологик, синтактик воситалар орқали дейксис турларининг ифодаланиши таҳлил қилинган, фақат болалар нутқида кузатиладиган дейктик ифодалар ажратилиб, нутқий вазифаси аниқланган.

*Болалар нутқида фонетик воситалар орқали дейксиснинг ифодаланиши.* Дейктик бирликлардан фойдаланиш нутқ шаклланишининг онтогенез давридаёқ кузатилади. Бу даврда бола кундалик ҳаётда фаол қўлланадиган дейктик бирликларни мунтазам ўзлаштириб боради. Бу ҳолат болада лисоний ижтимоийлашув жараёнининг такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатади. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, болалар нутқида дейксиснинг ҳар бир тури ўзига хос шакл ҳамда ифода усулига эга. Жумладан, болалар нутқида дейктик вазифа бажарган бирликларнинг муайян қисми товуш ўзгаришига учраши билан ажралиб туради. Масалан: ...– *Мани қўғийчоғим япийди.* (Муниса Назарова, 3 ёш) Ушбу мисолдаги фонетик ўзгаришга учраган бирликлар нутқ эгасининг бола эканлигига ишора қилади.

Баъзан бола шахс дейкисини шакллантиришга хизмат қилувчи бирлик таркибидаги ундош товушни иккилантириш орқали нутқнинг таъсирчанлигини оширишга интилади. Аммо бундай фонетик жараён шахснинг гендер жиҳатдан фарқланишини ҳам кўрсата олади. Масалан, «– *Ойи, ойижон! ... – Агар биттаси хафа қиса, манга айтинг, ўзим гаплашиб қўяман*» (Р.Муҳаммаджонов) гапидаги дейктик бирликда иккилантириб талаффуз қилинган 3 товуши ўғил бола шахсига ишора қилиши жиҳатидан фонопрагматик хусусият касб этган. Англашиладики, болалар нутқига оид фонопрагматик воситаларнинг аксарияти нутқий таъсирчанликни ошириш билан бирга, шахс, унинг ёши, жинси, худудий хослиги кабиларга ҳам ишора қилади.

*Болалар нутқида дейкисни ифодаловчи лексик бирликлар.* Бола 8-9 ойлик даврдан бошлаб талаффузи қулай бўлган лексик бирликларни ўзлаштиради. 10-11 ойлик баъзи болалар муайян бирликка икки ва ундан ортиқ дейктик вазифа юклаши ҳам мумкин. Масалан, Тошкент шевасида сўзлашувчи Мухлисахон Муҳиддинова (10 ой) ва Саидолим Баҳодиров (11 ой)нинг *ада* сўзи орқали нафақат отаси, балки онаси, бобоси ва бувисини ҳам кўрсатиши аниқланди.

Шахс дейкисининг болаларга хос ифодаси уларнинг уч-тўрт ёшида бирмунча мураккаблашади. Бу ёшдаги аксарият болалар ўйин жараёнида катталарнинг ижтимоий ролига тақлид қиладилар ёки уни ижодий такрорлайдилар. Уларнинг тушунишича, ҳаёт давомида шахсларнинг ижтимоий роллари ортмайди, балки ўзаро алмашади. Масалан, Тошкент шевасида сўзлашувчи (Сарварбек Умаров, 3 ёш)нинг отаси билан мулоқотида шундай ҳолат кузатилди: *Сарварбек: – Ада! Котта бўганимда ада бўламан-а? Отаси: – Ҳа. Сарварбек: – Ўшанда сиз мани ўғлим бўласизми?*

Бола беш ёшга етганда кундалик ҳаётда кўп ишлатиладиган дейктик бирликларни тўлиқ ўзлаштиради. Бироқ бу ёшдаги болалар нутқида шахс дейкисини шакллантирувчи баъзи вербал воситалар ноўрин қўлланиши ҳам мумкин. Масалан: *Юлдузхон беш-олти ёшга киргунча ҳам ойисини «кеннойи» деб чақириб юрди.* (М.Содиқова)

Болалар нутқида лақаб сифатида қўлланган дисфемизмлар ҳам дейктик вазифа бажаради. Ташқи белгига кўра ўхшашлик асосида метафорик шахс дейкисини ҳосил қилувчи дисфемизмлар мактаб ёшидаги болалар нутқида кўп учрайди. Масалан: *Мактабда болалар Анварни «Лайлак» деб чақиривади.* (Нодир Аҳмедов, 13 ёш)

Ушбу бобда лексик окказионализм, диалектизм, соматизмлар орқали ҳам дейкис турларининг ифодаланиши ёритилган.

*Болалар нутқида грамматик бирликларнинг дейктик вазифа бажариши.* Ўзбек тилида дейкисни ифодаловчи морфологик бирликлар сирасида олмошлар етакчилик қилади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида сўзловчи шахсга ишора қилувчи *мен* кишилиқ олмоши кўп ишлатилади. Баъзан бола нутқида коммуникатив вазият талаби билан бу олмошга бир қатор вазифалар юклатилади. Масалан, Тошкент шевасида сўзлашувчи Ясиноҳон

Джонхўжаева (1 ёшу 2 ой) ва Муҳаммадали Кенжаев (1 ёшу 3 ой) нутқида *ман* (диалектал вариант) олмошининг *менда бор, менга бер(инг)* бирикмалари ўрнида қўллангани аниқланди.

Бола уч ёшга кадам қўйиши билан нутқида бошқа кишилик олмошларини ҳам қўллаш бошлайди. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида *сен* олмоши *сиз* олмошига нисбатан фаол бўлади. Бу ёшдаги болалар хурматни ифодалаб ижтимоий дейкисни ҳосил қилувчи *сиз* олмоши ўрнида ҳам *сен* олмошини қўллаб юборишади. Бунга, бир жиҳатдан, мазкур ёшдаги болаларда нутқий одоб кўникмасининг тўлиқ шаклланмаганлиги, иккинчидан, ҳали *сен* олмошининг семантик-функционал имкониятларини англаб етмаганлиги сабаб бўлади.

Диссертациянинг ушбу бобида болалар нутқида қўлланган кўрсатиш, сўроқ, ўзлик, белгилаш ва бўлишсизлик олмошларининг ҳам дейктик хусусияти ёритилган.

Ўзбек тилидаги морфодейктик воситаларнинг муайян қисмини от туркумига мансуб бирликлар ташкил қилади. Болалар нутқида хос дейктик хусусиятлардан бири исмлар орқали шахс дейкисини шакллантиришдир. Болалар аксарият ҳолларда кишиларга атаб қўйилган исмларни қисқартириб талаффуз қиладилар. Мазкур ҳолат, айниқса, мактабгача ёшдаги болалар нутқида кўп кузатилади. Бу ёшдаги болалар учун исмнинг кўп бўғинли бўлиши ёки талаффузда ноқулайлик туғдириши уни қисқартириб қўллашларига сабаб бўлади. Масалан, Тошкент шевасида сўзлашувчи Абдулазиз Абдужабборов (3 ёш) нутқида қўлланган «*Са ака*» дейктик бирлиги орқали Салоҳиддин исми йигитга ишора қилиниши кузатилди.

Ўзбек тилида *устоз, шогирд, одам, киши, инсон, хўранда, меҳмон, жаноб, хоним* каби отларнинг ҳам шахсларга ишора қилиши маълум.<sup>18</sup> Мазкур дейктик бирликларнинг барчаси болалар нутқида фаол қўлланади, деб бўлмайди. Бироқ болалар нутқида таълим берувчи шахсга ишора қилувчи *устоз* сўзининг қўлланилиш даражаси ниҳоятда юқори. Шахсга ишора қилувчи бу бирлик мактаб ёшидаги барча ўзбек болалари нутқида учрайди.

Диссертацияда болалар нутқида қўлланган сифат, равиш, сон туркумига мансуб баъзи морфологик бирликларнинг ҳам дейктик вазифаси ёритилган. Масалан, «*Қизил пул беринг, конфет оламан*» (Абдуазим Абдужабборов, 5 ёш) гапида боланинг *қизил* сифати ёрдамида юқори қийматли пулга ишора қилганини сезиш мумкин. Турли рангдаги қоғоз пулларнинг қиймат жиҳатдан фарқланиши бола томонидан дейкисининг ифодаланишига йўл очган.

Дейктик хусусият феъл туркумига оид бирликларга ҳам хос. Айрим тадқиқотларда феълларнинг ҳаракат ва ҳолатни ифодалаш билан бирга, матн таркибий қисмлари ҳамда сўзловчи, тингловчи ва предметнинг ўрнига ишора қилиши қайд этилса,<sup>19</sup> баъзи адабиётларда уларнинг меъёрий ҳолат ва

<sup>18</sup> Лутфуллаева Д., Давлатова Р. Ўзбек мулоқот матнининг дейктик бирликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – № 6. – Б. 36.

<sup>19</sup> Давлатова Р. Ўзбек тилида макон дейкисини ва унинг ифодаланиши / Тил ва адабиёт фанини замонавий ўқитиш масалалари (Республика илмий-назарий конференцияси). – Тошкент: ТДПУ, 2017. – Б. 79.

баҳо дейксисини шакллантириши таъкидланади.<sup>20</sup> Феълларнинг дейктик белгиси мактабгача ёшдаги болалар нутқида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Қуйидаги мисолда буни кузатиш мумкин: Шоҳруҳ. *Уч ярим яшар: (Ойнинг сувдаги аксини кўриб): – Ойижон, қаранг, оймума сувга «бу-у-м» этди!* (Ў.Ҳошимов)

Эътибор берилса, ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи феъл бола шахсига ишора қилган. Чунки бу каби қўлланишлар болалар нутқида хос бўлиб, катталар мулоқотида болага тушунтириш беришда уларга «ўз тили» билан гапириш мақсадида ишлатилади.

Болалар нутқида тақлид сўзларга хос дейктик хусусият янада ёрқин намоён бўлади. Тилнинг лексик бирликларини ҳали тўлиқ ўзлаштириб улгурмаган бола нарса-ҳодисанинг номини билмаса, унга товушга тақлид орқали ишора қилади. Болалар нутқида кузатиладиган бундай тақлид сўзларни дейктик белгисига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: 1. Ҳайвон ва паррандаларга ишора қилувчи тақлид сўзлар: *ба* (кўй), *мў* (сигир), *миёв* (мушук) *қу-қу* (парранда ёки қуш). 2. Нарса-предметларга ишора қилувчи тақлид сўзлар: *гин*, *би-би* ёки *ди-ди* (машина), *чиқ-чиқ* (соат), *пуф* (пуфак), *пақ* (тўппонча).

Ўзбек тилида эгалик, шахс-сон аффиксларининг дейктик хусусияти чоғиштирма аспектда таҳлилга тортилган.<sup>21</sup> Болалар нутқида *-ники* аффиксининг ҳам дейксисни ифодалаши кўп кузатилади. Масалан, «*Бугун «Қора» аммам»никига борамиз*» (Ў.Ҳошимов) гапида *-ники* аффикси орқали макон дейксиси ифодаланган. Қуйидаги гапда эса бола сўз бирикмасига дейктик вазифа юклаб, троллейбусга ишора қилган: – *Ана, шохли автобус.* (Санжар Эргашев, 4 ёш)

Болалар синтактик окказионализмлар орқали ҳам нутқда дейксис турларини ҳосил қиладилар. Масалан, «*Кечқурун тарбиячи Донохон опа, яъни «Вой ўлмасам» опа навбатчилик қилиши керак эди*» (Х.Тўхтабоев) мисолида қўлланган «*Вой ўлмасам» опа* нутқий инновацияси шахс дейксисини ҳосил қилувчи бирлик таркибида ўзига хос прагмасемантик қийматга эга бўлган.

Хуллас, болалар нутқида қўлланган айрим тил бирликларининг табиатида дейктик хусусият мавжуд бўлса, баъзиларига боланинг коммуникатив мақсади талаби билан дейктик вазифа юклатилади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Болалар нутқининг пресуппозицион хусусиятлари**» деб номланган. Бу бобда лингвистик пресуппозицияга тавсиф берилган, ўрганилиш масаласи таҳлил қилинган, болалар нутқида лексик, морфологик, синтактик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши ёритилган.

Прагмалингвистиканинг тадқиқ объектларидан бири болалар нутқининг пресуппозицион хусусиятлари муаммоси бўлиб, бу йўналишда болалар

<sup>20</sup> Кларк Е. Normal states and Evaluative Viewpoints // Language. –1974. –V. 50. – # 2. – P. 316; Мингбоева М. Ҳаракат ифодаловчи феълларнинг прагматикаси <http://www.uz.denemetr.com/docs/768/index-277003-15.html>

<sup>21</sup> Рахимов С. Речевая функция и проблема дейксиса в разносистемных языках. – Ташкент: Фан, 1989. – 89 с.

нутқида пресуппозициянинг ифодаланиши, болалар нутқини тушуниш ва идрок этишда унинг ўрни каби масалаларни ўрганиш долзарб вазифадир.

Тилшуносликда лингвистик пресуппозициянинг ҳамма томонидан эътироф этилган якуний тавсифи мавжуд эмас. Пресуппозицияга «сўзловчиларнинг умумий билиш фонди, уларнинг олдиндан келишуви»<sup>22</sup>, «у ёки бу даражада эксплицит бўлмаган ҳолатда қатнашувчи гапнинг оддий маъно компоненти»<sup>23</sup>, «олдиндан маълум билимлар жами»<sup>24</sup>, «сўз билан ифодаланмаган мазмун компоненти, матнни бир хил идрок этишга имкон берувчи дастлабки билим»<sup>25</sup> каби тавсифлар берилган. Пресуппозиция тил бирлигининг контекст, нутқ вазияти, тил эгаларининг нутқ объекти ҳақидаги умумий билимлари, тил кўникмаси каби ташқи омилларни қамраб олади. Пресуппозиция қайд этилган омиллар билан боғлиқ ҳолда юзага чиқса-да, моҳиятан моддий қобилига эга бўлмаган, контекст орқали реаллашувчи ахборот ҳисобланади. Пресуппозиция контекст орқали англашилса-да, аммо у ифода этган ахборот контекстдан ташқарида бўлади. Н.К.Кравченко импликациянинг ҳар қандай ҳолатда ҳам контекст, матнга алоқадор бўлиши, пресуппозициянинг контекстга боғлиқ эмаслиги, унинг матндан ташқаридаги ахборот ҳисобланишини қайд этади.<sup>26</sup> Пресуппозиция контекст орқали воқеланар экан, уни контекстга алоқадор эмас деб бўлмайди. Контекстда пресуппозицияга у ёки бу даражада дахлдор бўлган бирликлар ҳам иштирок этади.

М.Ҳакимовнинг фикрича, пресуппозициянинг асосий белгиси матн орқали баён қилинган пропозицияга – ҳукмга зид тарзда мазмуний муносабатнинг англанишидир.<sup>27</sup> Бироқ гапда воқеланган пресуппозиция ҳар доим ҳам очиқ ифодаланган пропозицияга семантик жиҳатдан зид бўлавермайди. Масалан, «*Яна бордим*» гапида ифодаланган «*Олдин ҳам борган эдим*» пресуппозицияси гапнинг пропозитив структурасини семантик жиҳатдан тўлдиради холос. Бундай вазиятда пресуппозиция гапда акс этган пропозицияга тўғри пропорционал бўлади.

Пресуппозиция барча тилларда кузатилувчи универсал ходиса бўлса-да, турли тилларда пресуппозицияга ишора қилувчи бирликлар бир-биридан фарқланади. Диссертацияда болалар нутқига хос пресуппозиция сигналлари ажратилиб, бирма-бир таҳлил қилинди.

*Болалар нутқида лексик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши.* Лексик бирликларнинг пресуппозицияга ишора қилишида уларнинг семантик хусусияти муҳим ўрин тутади. Баъзи лексик бирликларнинг семантик компонентларидан бири нутқда бевосита юзага

<sup>22</sup> Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // Известие АН СССР. Серия лит. и яз. – 1973. Т. 32. Вып. 1. – С. 85.

<sup>23</sup> Падучева Е. В. Понятие презумпции в лингвистической семантике / <http://codenlp.ruwp-content/uploads/201509/presumption-77.pdf>. – С. 3.

<sup>24</sup> Гак В. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. – М., 1981. – С.14.

<sup>25</sup> Валгина Н.С. Теория текста / Учебное пособие. – М.: Логос, 2003. – С. 7.

<sup>26</sup> Кравченко Н.К. Пресуппозиция, импликация, имплицатура, эксплицатура: к проблеме разграничения терминов // Мова і культура. – 2012. – Вип. 15. Т.1. – С.227.

<sup>27</sup> Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 120.

чиқса, бошқаси пресуппозиция орқали яширин ифодаланади. Бола нуткидан олинган куйидаги мисолда пресуппозиция лексик бирликнинг семантик компоненти асосида юзага чиққан: – *Ойи, тўйга оқ кўйлагимни кийсам, майлими? Қаранг, ювилган, дазмолланган.* (Ханифа Толипова, 5 ёш)

Ушбу матнда қўлланган *ювилган* лексемаси орқали «*Оқ кўйлагим тоза*» пресуппозицияси англашилади. Маълумки, *ювмоқ* лексемаси «сув (баъзан спирт, керосин, ва ш.к.) билан ишқаб тоза қилмоқ, кирини кетказмоқ»<sup>28</sup> луғавий маъносини англатади. *Ювмоқ* лексемасининг *тоза қилмоқ* семантик компоненти унинг пресуппозицияси сифатида юзага чиқади. *Дазмолланган* лексемаси ҳам гапда луғавий маъноси орқали пресуппозицияни шакллантиради. Бу лексеманинг «*ғижимини ёзмақ*» семантик компоненти асосида синтактик қурилмадан «*Оқ кўйлагим ғижим эмас*» пресуппозицияси англашилади.

Шуниси характерлики, бу каби лексемалар матн таркибида қўлланмаганда ҳам инсон тафаккурида пресуппозицияни тиклай олади. Бундай ҳолатда ҳам пресуппозицияга лексеманинг семантик компоненти йўл очади. Тилшуносликда бу типдаги пресуппозиция семантик пресуппозиция сифатида эътироф этилади. Масалан, *қултум* лексемаси инсон тафаккурида *суюқлик* лексемасини ҳам жонлантиради. Бу лексема орқали суюқликнинг ҳам англашилиши унинг маъно компоненти («Бир ютишли суюқлик миқдори, бир ютум»<sup>29</sup>) билан алоқадор.

Болалар нутқида *ўчирмоқ* (*чизилган*), *ёпиштирмоқ* (*йиртилган*), *тузатмоқ* (*синган*) каби ҳаракат ва уни бевосита юзага келтирган воқеликка ишора қилиб турувчи феъл лексемалар кўп учрайди. Масалан, *қочмоқ* лексемаси ифода этган ҳаракат орқали уни келтириб чиқарган *қувиши* ҳаракатига ишора қилинади. Масалан: – *Ойи, укам итдан қочди.* (Умид Абдуллаев, 12 ёш) (*Укамни ит қувлади*)

Айрим феъл лексемалар семантикасида ҳаракат асосида юзага келган натижавий ҳолатга ишора кузатилади. Масалан, *қораймоқ* (*қора*), *қизармоқ* (*қизил*), *оқармоқ* (*оқ*), *кўпаймоқ* (*кўп*), *катталашмоқ* (*катта*) кабилар. Бундай лексемалар белги белдирувчи асослардан ҳосил бўлгани учун уларнинг маъноси ясама сўз таркибида ҳам бутунлай ўчиб кетмайди. Бу маъно пресуппозиция ёрдамида лексема семантикаси орқали англашилиб туради. Масалан: – *Дўхтирнинг айтишича, унинг кўзи сарғайган экан.* (Даврон Бахтиёров, 13 ёш) (*Кўзи сариқ*)

Диссертациянинг ушбу бобида болалар нутқида антонимик хусусияти ҳамда иккиламчи вазифаси асосида пресуппозиция ифодаловчи лексик бирликлар ҳам таҳлил қилинган.

*Болалар нутқида морфологик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши.* Маълумки, ҳар қандай морфологик бирлик пресуппозицияга ишора қилавермайди. Морфологик бирликларнинг нутқий вазият талаби ва нутқ эгасининг коммуникатив нияти асосида пресуппозицияни ифодалаш

<sup>28</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 5 жилдди, V жилд. – Б. 374.

<sup>29</sup> Кўрсатилган луғат. I жилд. 2006. – Б. 203.

грамматик табиати билан боғлиқ. Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи турли морфологик бирликларни фарқлаш мумкин. Бу вазифада мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, тақлид, ундов, модал сўзлар ва ҳатто баъзи аффикслар ҳам кела олади. Пресуппозицияга ишора қилувчи морфологик бирликларнинг тил эгалари томонидан турлича қўлланиш даражасини ҳисобга олмаганда ёш жиҳатдан фарқланишида деярли тафовут сезилмайди. Бундай бирликлар болалар ва катталарда ҳам деярли бир хил типдаги пресуппозицияларни юзага чиқаради.

Пресуппозицияга ишора қилувчи морфологик бирликларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот объекти бўла олади. Ўзбек тилшунослигида юкламалар, кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар пресуппозицияси махсус тадқиқот объекти бўлган.<sup>30</sup> Бироқ бошқа морфологик бирликларнинг ҳам пресуппозицион хусусиятларини ўрганиш долзарб вазифадир. Диссертациянинг ҳажмини инобатга олган ҳолда бу бобда болалар нутқида қўлланган айрим морфологик бирликларнинг пресуппозицион хусусиятлари ёритилди.

Болалар нутқида сифат туркумига мансуб айрим морфологик шакллар орқали гапда бевосита акс этган пропозицияга зид характердаги пресуппозициянинг ифодаланиши кузатилди. Масалан, «*Кичкина* укам уч ёшга тўлди» (Мадина Қодирова, 9 ёш) гапида қўлланган *кичкина* сифатининг *укам* оти билан муносабати асосида «*Катта* укам ҳам бор» пресуппозицияси ифодаланади. *Кичкина* сифатининг гапда пресуппозицияни ифодалашига унинг нутқий қўлланишида юзага чиққан «*белгилар ичидан ўзи мансуб бўлган белгини ажратиб кўрсатиши орқали бошқа белгиларнинг ҳам мавжудлигига ишора қилиши*» грамматик вазифаси йўл очган.

Бола нутқида қўлланган қуйидаги мисолда эса *сал* равиши орқали пресуппозиция ўзига хос тарзда ифодаланган.: – *Сен кимнинг қизисан? – Ойимларнинг қизлариман. – Яна кимнинг қизисан? – Янами? Сал-пал дадамларнинг қизлариман.* (М.Содиқова) (*Тўлиқ тарзда дадамнинг қизи эмасман*)

Диссертациянинг мазкур бобида ёрдамчи сўзлар, айрим ундов сўзлар, келишиқ, эгалиқ аффикслари, *-дек (-дай), -лар* кўплиқ аффикси орқали пресуппозициянинг ифодаланиши масаласи ҳам ёритилган. Улардан айримларини қайд этиб ўтамыз.

Болалар нутқида баъзи ундов сўзлар ёрдамида ҳам пресуппозициянинг ифодаланиши кузатилди. Масалан: – *Буви, сиз нега биз билан қовун емаяпсиз? – Ҳа, қизим, рўзаман. – Вой, сиз бувисиз-ку?!* (М.Содиқова)

Берилган матндан «*Сиз рўза эмассиз*» пресуппозицияси англашилади. Пресуппозициянинг ифодаланишида *вой* ундов сўзининг ҳам ўрнини инкор қилиб бўлмайди. Аммо бу вазиятда контекстсиз пресуппозицияга йўл бекилади.

---

<sup>30</sup> Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 21 б.; Бурханов З. Ўзбек тилида кўмакчилар ва уларга вазифадош келишиклар прагматикаси (пресуппозицион аспект): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 27 б.

Болалар нутқида ҳам *-лар* кўплик шакли орқали нарса-предметнинг миқдор жиҳатдан кўплигини англатувчи турли пресуппозициялар ифодаланади. Масалан, «– *Ўйинчоқларимми ўйнавомман*» (Меҳрангиз Эсонова, 4 ёш) гапида *-лар* аффиксининг грамматик маъноси таъсирида «*Ўйинчоқларим кўп*» пресуппозицияси шаклланади. Умуман, ўзбек тилида грамматик маъно ифода этувчи бошқа аффиксларда ҳам уларнинг грамматик маъноси билан боғлиқ ҳолда турли пресуппозициялар шаклланади. Бу ҳақда фикр юритар экан, Е.В.Падучева қуйидагиларни баён қилади: «Деярли барча тўлақонли (синтактик бўлмаган) грамматик категориялар, хусусан, сон категорияси ҳам унга мувофиқ маънони инкор таъсирига берилмайдиган презумпция шаклида ифода этади, тасдиқ эса гапнинг предикативликни акс эттирувчи компоненти орқали ифодаланади».<sup>31</sup> Англашиладики, морфологик бирликларнинг пресуппозицияга ишора қилиши уларнинг грамматик табиати, нутқда қандай вазифа бажараётгани, нутқ эгасининг коммуникатив мақсади каби омилларга боғлиқ.

*Болалар нутқида синтактик бирликлар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши.* Болалар нутқида пресуппозициянинг сўз бирикмаси, гап ва ҳатто йирик матн орқали ифодаланиши кўп кузатилди. Улар нутқ жараёнида айрим синтактик бирликларни, хусусан, сўз бирикмаларини тайёр ҳолда лисоний захирасидан оладилар. Бундай сўз бирикмалари барча болалар нутқида бир хил пресуппозицияни шакллантира олади. Масалан, «– *Биринчи соатга сал кечикиб кирдим...*» (Азиз Нурпўлатов, 14 ёш) гапидаги *биринчи соат* сўз бирикмаси дейктик вазифаси (ўқув машғулотига ишора қилиш)дан ташқари машғулотнинг миқдор жиҳатдан бир нечта эканлигини англатувчи пресуппозицияни ҳам ҳосил қилади.

Болалар воқелик юзасидан муайян хулоса чиқаришда кўп ҳолларда ўзлари кузатган аниқ фактга асосландилар. Болалар нутқида акс этган бундай фактлар баъзан жумлага кўшимча ахборот юклайди. Масалан: – *Ойи, нега йиғлаяпсиз? – Йиғламаймман, қизим. – Кўзизда ёш бор-ку?* (Меҳримох Эсонова, 4 ёш) (*Йиғлаяпсиз*)

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида феъл предикати кўчма маънода қўлланувчи «*Ни қаранг*» моделидаги синтактик қурилмалар орқали ҳам пресуппозиция ифодаланади. Бу типдаги синтактик қурилмалар болаларнинг катталарни бирор кимса, хусусан, тенгдошлари томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатдан хабардор қилиш мақсадини намоён этувчи турли пресуппозицияларга ишора қилади. Масалан: – *Ойи, Азизани қаранг, сочимни тортяпти!* (Самира Юсупова, 3 ёш) («*Азизани уришиб қўйинг, сочимни тортмасин*»)

Ушбу бобда риторик сўроқ гаплар, ўхшатишли қурилмалар орқали пресуппозициянинг ифодаланиши ҳақида ҳам маълумот берилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Болалар нутқида коннотация ва баҳо муносабатининг ифодаланиши**» деб номланган. Бу бобда коннотация

---

<sup>31</sup> Падучева Е.В. Понятие презумпции в лингвистической семантике / <http://codenlp.ruwp-content/uploads/201509presumption-77.pdf> – С.9.

ва баҳо категориясининг прагматик моҳияти, ўрганилиши ҳақида баҳо юритилган, болалар нутқида қўлланган коннотатив ифодалар таҳлилга тортилган, баҳо муносабатининг болаларга хос ифодаланиш жиҳатлари аниқланган.

Коннотация тор маънода амалий қўлланишдаги тилнинг экспрессив-эмоционал имкониятларини акс эттирувчи универсал тил ҳодисасидир. Коннотациянинг тилнинг амалий қўлланишида нутқ субъекти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқиши, контекст билан алоқадорлиги прагматингвистиканинг тадқиқот объекти эканини кўрсатади.

Ўзбек тилида коннотациянинг ифодаланиши, денотатив ва коннотатив сема муносабати, улар ўртасидаги сабабий алоқадорлик таҳлил этилган, коннотация ва прагматик баҳо муносабати масаласи ўрганилган.<sup>32</sup> Бироқ коннотациянинг миллий-маданийлик белгиси, социал фарқланиши, хусусан, болалар нутқида коннотация ва баҳо муносабатининг ифодаланиши масаласи тадқиқ этилмаган.

Маълумки, коннотация ва баҳо муносабати узвий боғлиқ лингвистик ҳодисалардир. Баҳо категорияси нутқ эгасининг объектга муносабатини акс эттирувчи категориядир. Баҳо орқали воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодаланади. Баҳони ифодалаш жараёнида адресатга таъсир кўрсатиш вазифаси ҳам бажарилади. Нутқда баҳо муносабатининг воқеланишида бир неча босқич амал қилади. Баҳолаш жараёнида нутқ субъекти бош ролни ўйнайди. Нутқ эгаси бу жараённинг бошқарувчисидир. Баҳо объекти, унинг баҳоланишига асос бўлган белгиси, баҳолаш эталони бу жараённинг ҳам ташкилий, ҳам зарурий қисмлари ҳисобланади. Буларнинг бирортаси мавжуд бўлмаса, баҳолаш жараёни амалга ошмайди. Баҳолаш белгиси эса баҳонинг мундарижасини, унинг салбий ёки ижобий характердалигини кўрсатади. Англашиладики, баҳолаш жараёнининг амал қилишида Ш.Сафаров қайд этган қуйидаги беш унсурнинг мавжудлиги мажбурий, «... булар: субъект, объект, асос, эталон (намуна) ва баҳолаш белгиси. Баҳолаш дастлабки ўринда субъект-объект муносабатида, яъни субъект томонидан объектнинг муҳимлиги, эътиборга моликлиги, миқдор ва сифат жиҳатидан ажралиб туришини аниқлаш жараёнида ҳосил бўлади. Ушбу жараёнда субъект объектнинг баҳоланаётган хусусиятини идеал намуна ёки меъёрга қиёслайди ҳамда ушбу меъёрга қай даражада мос келиши ёки узоклашишига нисбат беради. Ниҳоят, барча «ўлчов»лар босқичидан ўтган баҳо лисоний белги воситасида воқеланади.»<sup>33</sup> Англашиладики, баҳо муносабати коннотациядан тубдан фарқ қилади. Баҳо категорияси нутқ

<sup>32</sup> Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 29 б.; Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 179 б.; Аҳмедова Н. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.; Ҳайдаров А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 21 б.; Максумова С. Эркин Воҳидов асарларида коннотативликнинг ифодаланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 21 б.

<sup>33</sup> Сафаров Ш. Прагматингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 184.

эгасининг нутқ объекти ҳақидаги шахсий муносабатининг ифодаси, субъектив қарашларининг мажмуидир.

Коннотация ва баҳо категориясининг зич боғлиқлиги коннотацияни ифодаловчи бирликларда баҳо муносабатининг ҳам ёрқин акс этишида кўзга ташланади. Баъзи тил бирликларининг денотатив маъноси орқали ҳам баҳо муносабати сезилиб туради. Масалан, *муттаҳам*, *нонкўр* кабилар. Бироқ тил бирлиги баҳо муносабатини ифодалашга хосланмаган ҳолатларда ҳам у орқали коннотатив маъно ифодаланиши мумкин. Масалан, бола нутқида қўлланган *мушукчам* сўзида *-ча* аффикси орқали коннотатив маъно (эркалаш, суйиш) ҳосил қилинган. Шу билан бирга, ушбу сўзи орқали баҳо муносабати (ижобий баҳо) ҳам юзага чиққан. Демак, тил бирлигидаги мавжуд баҳо ва нутқ эгаси томонидан унга юкланган баҳо муносабати фарқланади. Нутқ жараёнида тил бирлигига юкланган баҳо прагматиканинг ўрганиш объекти бўлиб, уни коннотациядан фарқлаш лозим.

*Болалар нутқида коннотатив маънонинг фонетик усулда ҳосил бўлиши.* Мактабгача ёшдаги болалар нутқида кузатиладиган қуйидаги фонетик ҳодисалар коннотация ифодаси учун хизмат қилади:

1. Унли товушнинг чўзиб талаффуз қилиниши. Болалар нутқ жараёнида сўз таркибидаги унли товушни чўзиб талаффуз қилиш орқали нутқнинг таъсирчалигини юзага келтирадilar. Масалан: – *Но-он*, – *дейман ялиниб*. – *Дадажон*, *но-он*. (Ў.Ҳошимов)

2. Ундош товушнинг иккилантирилиши. Бунда муайян прагматик мақсад асосида сўз таркибидаги бир ундош иккилантирилади, яъни талаффузда кўш ундош ҳолатига келтирилади. Натижада сўз маъноси бўрттирилиб, нутқнинг таъсирчанлиги ошади. Болалар асосий ҳолларда *маза*, *роса* сўзларидаги *з ва с* ундош товушларини иккилантириш орқали ушбу сўзлар англатган маънони бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қиладilar. Масалан: – *Бугун росса кўп «беш» олдим*. (Абдуллоҳ Муталов, 7 ёш)

Ундош товушларнинг иккилантирилиши ҳақида фикр юритар экан, А.Ҳайдаров қуйидаги хулосани баён қилган: «Ундош товушларнинг чўзилиши оғзаки нутқда уларни кўш ундош ҳолатига келтириб талаффуз қилиш, ёзма нутқда иккилантириб ёзиш орқали рўёбга чиқади».<sup>34</sup> Эътибор берилса, ундошларнинг иккилантирилиши чўзиқлик асосида белгиланган. Бизнингча, ундошнинг иккилантирилиши товушнинг «чўзилиши» билан эмас, орттирилиши билан алоқадор ходисадир.

3. Сўзнинг бўғинларга ажратиб талаффуз қилиниши. Болалар нутқ жараёнида сўзни бўғинларга ажратиб талаффуз қилиш асосида нутқнинг таъсир кучини, эмоционаллигини оширадilar. Масалан, Тошкент шеvasида сўзлашувчи (Абдулбосит Абдужабборов, 3 ёш) томонидан айтилган «*Ух-ла-мий-ман*» гапида болаларга хос қатъийлик, эътироз каби коннотатив маънолар англашилади.

А.Ҳайдаровнинг фикрича, бўғинлаб талаффуз қилинган сўзларда бирор иш-ҳаракатни бажартириш ёки бажартирмаслик билан боғлиқ жадаллик,

<sup>34</sup> Ҳайдаров А. Кўрсатилган тадқиқот. – Б. 10.

қатъият маъноси (*ў-қий-сан, бор-май-ман*), белгининг меъёрдан ортиқлиги, кучлилиги (*қип-қизил, сан-сарик, кўм-кўк*), жадаллик, таъкидлаш, уқтириш кабиларни ўта кучли ифодалаш (*қи-ип-қизил, кў-ўм-кўк, қо-оп-қора*) каби коннотатив маънолар ҳосил бўлади.<sup>35</sup> Аммо *қип-қизил, сан-сарик, кўм-кўк* сифатларида белгининг ортиқлиги маъноси сўзни бўғинлаб талаффуз қилиш (*қи – зил, са – рик* тарзида) асосида ҳосил қилинмаган. *Кўк* сифати эса ҳатто бўғинга ажратилмайди. *Қи-ип-қизил, кў-ўм-кўк, қо-оп-қора* сифатларида ҳам сўзлар бўғинлаб талаффуз этилмаган. Бу ўринда сўз таркибида талаффузга мос тарзда товушлар бирикмасини орттириш ҳақида гапириш ўринли. Чунки *қизил* сўзида *ип* ёки *кўк* сўзида *ўм, қора* сўзида *оп* шу сўзларнинг бўғини эмас.

4. Сўз бўғинининг такрори ва фонетик жиҳатдан ўзгартирилиши. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида қўлланган қисқа такрорлар коннотация ифодаси учун хизмат қилади. Ушбу жараёнда сўз таркибида фонетик ўзгариш ҳам юз беради. Бунда сўзнинг биринчи бўғини уни кейинги бўғин билан боғлашга кўмак берувчи *п, м, с* товушларидан моси билан қўлланиб, сўз олдидан такрорланади. Масалан: *Юлдузнинг опаси унга жуда чиройли дастрўмолча берди. Юлдуз хурсанд бўлганидан: Она, бу ўп-ўзимгами? – деб қўйди.* (М.Содиқова)

5. Сўз таркибидаги товушларнинг фонетик жиҳатдан бузиб талаффуз этилиши. Болалар нутқида кузатилувчи товушлар талаффузи билан боғлиқ номеъерий ҳолатлар ҳам, гарчи прагматик тўсиқни юзага келтирса-да, баъзан коннотацияни ҳосил қилади. Масалан: – *Ойижон, кечийинг!* (Дилноза Чориева, 2 ёш)

*Болалар нутқида коннотатив маънонинг лексик-семантик усулда ҳосил бўлиши.* Тилнинг лексик тизимида синонимик, антонимик, омонимик муносабатдаги лексемалар, полисемантик сўзлар, окказионализм, диалектизм, вульгаризмлар ҳамда бўёқдор сўзлар нутқнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилувчи фаол бирликлардир. Шунингдек, эскирган сўзлар ва неологизмлар ҳам ўрни билан нутқий коннотацияни ҳосил қилишда иштирок этади. Болалар нутқида коннотатив маъно кўп ҳолларда бўёқдор сўзлар орқали ҳосил бўлади. Масалан: – *Қаерда юрибсан, дайди? – Ўзинг дайдисан!* (Азиз Алиев, 10 ёш)

Шуниси қизиқки, болалар нутқида экспрессив-эмоционал бўёққа эга бўлмаган айрим сўзлар ҳам баъзан коннотатив маънони ифодалайди. Бу ҳолат, айниқса, бадий матнда ёрқин кўзга ташланади. Масалан, «*Бу ерда ишларимиз жуда гумбур бўлиб кетди*» (Х.Тўхтабоев) гапида қўлланган *гумбур бўлиб кетмоқ* лексемаси ривожланиш ҳаракатини образли ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилган. Бу лексеманинг коннотацияни ҳосил қилишида боланинг воқеликни идрок қилиши ва уни болаларга хос тарзда бўрттириб ифода этиши муҳим аҳамият касб этган. Шу билан бирга, бу лексема орқали нутқ эгасининг воқеликка ижобий баҳоси ҳам ифодаланган.

<sup>35</sup> Шу жойда.

Бадиий матнда бола нутқида қўлланган қуйидаги антонимик жуфтлик ҳам коннотация ифодаси учун хизмат қилган: *Маҳси кийган семиз-ориқ оёқлар орасидан эмаклаб ўтиб, попуққандлар, тангаларга ёпишдим.* (Ў.Ҳошимов)

Болалар нутқида қўлланган лақаблар, диалектизм, вульгаризмлар ҳам, гарчи адабий тил меъёрларидан чекиниш бўлса-да, нутқнинг таъсир кучини оширишга ҳамда нутқ эгасининг баҳо муносабатини ифода этишга хизмат қилади. Шунингдек, ифоданинг таъсирчанлиги, образлилигини таъминлашда, маънонинг бўрттирилишида фразеологизмларнинг ҳам ўрни бекиёс. Масалан: *Сумкамни олиб, қуён расмини чиздим.* (Сардор Олимов, 13 ёш)

Лексик birlikлар такрори коннотатив маънони ҳосил қилувчи прагматик восита сифатида, айниқса, болалар нутқида кўп кузатилади. Такрор ёрдамида таъкид кучаяди ва нутқнинг таъсирчанлиги ошади. Масалан: *Бўғирсоқ тез-тез думалаб-думалаб тулкидан қочиб кетибди.* (Малика Давронова, 4 ёш)

*Болалар нутқида коннотатив маънонинг морфологик усулда ҳосил бўлиши.* Болалар нутқида қўлланган кичрайтириш, эркалаш, улуғлаш, катталаштириш, кучайтириш, фахрланиш, ҳурмат маъносини ифодаловчи аффикслар коннотатив маънони ҳосил қилишга хизмат қилади.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқида қўлланган *-ча* аффикси кичрайтириш маъносидан ташқари эркалаш, суйиш каби коннотатив маъноларни ҳам юзага чиқаради. Масалан: *Бетимни иссиққина баданига босиб, «бузоқчам, шириним», деб эркалайман.* (Х. Тўхтабоев) (эркалаш-суйиш маъноси)

Болалар *-жон* аффиксидан эркалаш, суйиш, ҳурмат маъноларини ифодалашда кенг фойдаланадилар. 1) эркалаш: – *Яна, укаси йиқилганда ўрнидан турғизиб, укажоним, йиглама, деб елкасини силаб қўяди.* (Х.Тўхтабоев); 2) суйиш: – *Акажон, сиззи яхши кўраман.* (Абдуллоҳ Муҳиддинов, 4 ёш); 3) ҳурмат маъноси: – *...Бобожонлар йиқилганда ўрнидан турғазиб қўяман, зорланса, кўчатларини кўчириб бераман.* (Х.Тўхтабоев)

Болалар нутқида қўлланган *-гина, (-кина, -қина)* аффикси эркалаш маъносидан ташқари, кичиклик маъносини бўрттириш вазифасини ҳам бажариб, коннотацияни ҳосил қилади. Масалан: *Ҳандалакдекқина қишлоғимиз бор: уч маҳаллага бўлинган бўлса ҳам, орастагина, шинамгина.* (Н.Фозилов)

Диссертацияда *-чи, -да, -ку, -у (-ю), -ки* юкламаларининг коннотацияни ифодалаш билан бирга, баҳо муносабатини ҳам намоён этиши кўрсатилган.

Болалар нутқ жараёнида ундов сўзлардан ниҳоятда кенг фойдаланадилар. Бу жиҳат уларнинг ҳиссиётларини яшира олмасликлари билан ҳам боғлиқ. Ундов сўзлар нутқнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилиш билан бирга, бевосита нутқ эгасининг турли даражадаги субъектив муносабати (*эътирози, изтироби, ҳайрати, гурурланиши* кабилар)ни ҳам акс эттиради. Масалан: – *Ҳоо, ҳечам-да, меникиям шунақа овоз чиқаради.* (Азим Холиқов, 13 ёш)

*Болалар нутқида коннотатив маънонинг синтактик усулда ҳосил бўлиши.* Болалар нутқида айрим сўз бирикмалари, гапнинг турли кўринишлари, мурожаат бирликлари, кириш курилмалар, парцеллятив бирликлар, синтактик окказионализмлар коннотация ифодаси учун хизмат қилади. Коннотациянинг ифодаланишида синтактик такрор ва инверсиянинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Улардан айримларига муносабат билдириб ўтамыз.

Болалар нутқида катталарда кузатилмайдиган ўзига хос сўз бирикмалари учрайди. Масалан, *қора амма, чиройли холам, ёлгончи амаки* кабилар. Бундай сўз бирикмалари ифоданинг таъсирчанлигини оширади, образлиликни юзага келтириб, тингловчини ўзига жалб қилади. Масалан: – *Бувижон, чиройли холажоним келди!* (Робия Хасанова, 7 ёш)

Болалар нутқида учраб турадиган ноодатий мурожаат бирликларида ҳам коннотация ва баҳо муносабатининг катталарда кузатилмайдиган ифодаси кўзга ташланади: ...»*Ассаломалайкум, яхши амаки!*» – *дейдиган бўлди.* (М.Муродов)

Маълумки, онтогенез даврида *яхши* ва *ёмон* тушунчаларини тилда ифода этиш ўзига хос тарзда кечади. Хусусан, Тошкент шеvasида сўзлашувчи кичик ёшдаги болалар нутқида *яхши* тушунчаси *опоқ*, *ёмон* тушунчаси *бижи* диалектал бирлиги орқали ифода этилади. Бироқ бир миллатга мансуб болаларнинг коммуникатив-прагматик фаолиятида ижобий ёки салбий баҳони акс эттиришга хизмат қиладиган ифода шакллари коннотатив белгили диалектал элемент ёхуд индивидуал окказионализм сифатида фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат тўққиз ойдан икки ёшгача бўлган болалар нутқида кўп кузатилади.

Икки ёшдан олти ёшгача бўлган болалар нутқида *яхши* сифати шахс дейкисини шакллантирувчи бирикма таркибида қўлланиб, баҳо ифодачисига айланади.

Болалар нутқида ундов гаплар ҳам коннотацияни ҳосил қилувчи фаол синтактик бирликлар ҳисобланади. Ундов гапларда болаларнинг ҳис-ҳаяжони ва у орқали воқеликка баҳо муносабати ёрқин акс этади. Масалан: – *Вуй, роса кўп қор ёгвотти, ҳаммаёғ оппоқ, чиройли бўб кетди!* (Шерзод Сафаров, 8 ёш)

Болалар нутқида дарак, буйруқ, истак характерида ахборотнинг риторик сўроқ гаплар орқали ифодаланиши фикрнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Масалан: ... – *Хавотир оменг, мен сизга ёш боламидим?* (Р.Муҳаммаджонов) (*Хавотир олманг, мен ёш бола эмасман*)

Диссертациянинг ушбу бобида болалар нутқида синтактик такрор ва инверсия орқали ҳам коннотациянинг ифодаланиши таҳлил қилинган.

*Болалар нутқида имо-ишора, мимик ифодалар орқали коннотатив маънонинг ҳосил бўлиши.* Болалар нутқида қўлланган имо-ишоралар, мимик ифодалар нутқни ихчамлаштириш, мазмунан тўлдириш, таъсирчан қилиш каби вазифаларни бажаради.

Новербал воситаларнинг аксарияти мактабгача ёшдаги болаларда деярли бир хил. Новербал воситалар фикрни баён этишга хизмат қилса-да, ҳар доим

ҳам коннотацияни ҳосил қилавермайди. Масалан, «*Бу амакингни танийсанми? Елкамни қисдим*» (Н.Фозилов) мисолида *елка қисми* ҳаракати «*Танимайман*» ахборотини ифодалаган ҳолос. Унинг коннотацияни ҳосил қилиши сезилмайди. Новербал воситалар ёрдамида коннотациянинг ифодаланишини куйидаги мисол таҳлили орқали асослаймиз: *Акрам Қора денгизга боролмай қолишини сезади-да: – Йўқ, – деб бош чайқайди.* (П.Қодиров) Берилган мисолда қўлланган *бош чайқамоқ* бирлиги «*Йўқ*» гапи орқали англашилган ахборотни семантик жиҳатдан такрорлаган. Фикрнинг ҳам вербал бирлик, ҳам новербал восита орқали ифода этилиши инкор актининг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Куйидаги мисолда эса қўл ҳаракати орқали нутқий коннотация ҳосил бўлган: – *Қани эчки? – Ана! – Қўлим билан ўн қадамча нарида, бир тўда одам орасида турган эчкини кўрсатдим.* (Ў.Ҳошимов)

Болалар нутқ жараёнида мимик ифодалардан ҳам унумли фойдаланадилар. Мимик ифодалар болаларнинг руҳий ҳолати ҳақида маълумот беради. Масалан: *Муҳтарам холам: – Сен жуда одобли бола эдинг-ку, – деди лабини буриб. – Ўзингиз одобли боласиз, – деб менам лабимни буриб қўйдим.* (Х.Тўхтабоев) Англашиладики, боланинг лаб буриши унинг эътирозини янада кучли намоён этишга хизмат қилган. Албатта, бола нутқида қўлланган бу каби новербал воситалар катталар нутқида ҳам хос.

Болалар нутқида уларнинг ўзига хос новербал воситалар ҳам кузатилади. Болалар кўпинча оёқни ерга қаттиқ уриш, ер тепиш, оёқни типирлатиш орқали эътирозларини кучли ифодалашга ҳаракат қиладилар. Масалан: *...Қўй, болам, аканг бошқасини топиб берар... – Керакмас, керакмас! – дедим оёғимни типирлатиб.* (Ў.Ҳошимов)

Мактабгача ёшдаги болалар норозиликларини ер тепиниш орқали ҳам ифода этадилар. Бундай ҳолатда ҳам боланинг норозилик кайфияти ўта таъсирчан тус олади. Масалан: – *Чиқиб кетинглар энди, – деб кигизни гупиллатиб тендим, – бувимни соғинганман, билдингизми?* (Х.Тўхтабоев)

Хуллас, бир қарашда ниҳоятда содда туюладиган болалар нутқи прагматик жиҳатдан мураккаблиги билан характерлидир. Бу хусусият болалар нутқида коннотация ва баҳо муносабатининг ифодаланишида ҳам кузатилади.

## ХУЛОСА

1. Прагмалингвистиканинг марказий масалаларидан бири нутқий акт назариясидир. Болалар турли нутқий актлардан фойдаланган ҳолда нутқий фаолиятни амалга оширадилар. Болалар нутқида локутив акт баъзан нутқий меъёрлар талаби остида, баъзида унга амал қилинмаган ҳолда тузилади. Локутив актнинг талаффуз меъёрига номувофиқ бўлиши болалар нутқида юз берадиган турли товуш ўзгаришлари билан боғлиқ.

2. Болалар мулоқот жараёнида ахборотни ошкора баён этувчи пропозиционал актлардан унумли фойдаланадилар. Мактаб ёшидаги болалар

нутқида мактабгача ёшдаги болалардан фарқли тарзда яширин ахборот ташувчи пропозиционал актлар ҳам қўлланади.

3. Болалар иллокутив актнинг тасдиқ, сўроқ, илтимос, буйруқ, кечирим, истак, талаб каби турларини ҳосил қиладилар. Катталардан фарқли тарзда болалар нутқида маслаҳат, киноявий тасдиқ, огоҳлантириш, ваъда актлари кам учрайди. Рози-ризолик акти болаларга деярли хос эмас.

4. Перлокутив актни ҳосил қилиш болалар нутқий фаолиятининг муҳим жиҳатидир. Улар кўпинча хабар, буйруқ, сўроқ актлари орқали нутқий таъсир кўрсатишни мўлжаллайдилар.

5. Болалар коммуникатив фаолиятида юзага келадиган прагматик тўсиқни икки жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ: 1) болалар нутқида прагматик тўсиқнинг юзага келиши; 2) болалар томонидан ўзгалар нутқининг прагматик тўсиқ сифатида қабул қилиниши.

6. Тилдаги вербал ҳамда новербал воситалар ёрдамида воқелик ва унинг элементларига ишора қилиш *дейксис* ходисаси бўлиб, болалар нутқида ўзига хос кўринишларга эга бўлади. Кичик ёшдаги болалар нутқида шахс дейксисининг ифода шакллари аксарият ҳолларда артикуляцион имкониятлар билан боғлиқ ҳолда юзага келса, мактаб ёшидаги болалар нутқида катталарга тақлид қилиш асосида шаклланади. Болалар нутқида хос фонодейктик воситалар шахс, унинг ёши, гендер жиҳати, ҳудудий хослиги кабиларга ишора қилади.

7. Болалар нутқида қариндошлик терминлари, лексик диалектизм, соматизм, окказионализм ҳамда лақаблар фаол қўлланиб, шахс, нарса-предмет, миқдор, ҳаракат-ҳолат дейксисларини ҳосил қилади.

8. Олмошнинг барча маъно турлари, атоқли отлар, кишиларнинг ижтимоий ҳолати, касб-корини англатувчи шахс отлари; айрим сифат, равиш, сон, феъл туркумига оид морфологик бирликлар; эгалик, шахс-сон аффикслари шахс, предмет, белги, миқдор, макон, замон, ҳаракат-ҳолатга ишораси асосида нутқда дейктик вазифа бажаради.

9. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида кузатиладиган тақлид сўзларни дейктик белгисига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) ҳайвон ва паррандаларга ишора қилувчи тақлид сўзлар: *ба* (қўй), *мў* (сигир), *миёв* (мушук) *қу-қу* (парранда ёки қуш); 2) нарса-предметларга ишора қилувчи тақлид сўзлар: *гин*, *би-бин* ёки *ди-дит* (машина), *чиқ-чиқ* (соат), *пуф* (пуфак), *пақ* (тўппонча).

10. Пресуппозициянинг ифодаланишида лексик, морфологик, синтактик бирликлар муҳим ўрин тутди. Лексик бирликлар семантик табиати ҳамда иккиламчи вазифаси асосида пресуппозицияга ишора қилади.

11. Айрим феъл лексемалар ҳаракат асосида юзага келган натижавий ҳолатни, баъзилари ҳаракатга қадар амал қилган ҳолатни акс эттирувчи пресуппозицияларга ишора қилади.

12. Болалар нутқида от, сифат, сон, равиш туркумига оид баъзи морфологик бирликлар, ёрдамчи сўзлар орқали ҳам пресуппозициянинг ифодаланиши кузатилади. Ёрдамчи сўзлар факультатив вазифаларида пресуппозицияни ифодалашга хизмат қилади.

13. Мактабгача ёшдаги болалар нутқида «*Нни қаранг*» моделидаги синтактик қурилмалар орқали ҳам пресуппозиция ифодаланади. Бундай синтактик қурилмалар орқали болалар катталарни бирор кимса томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатдан хабардор қилиш мақсадини кўзлайдилар.

14. Болалар коннотацияни ҳосил қилишда тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик воситаларидан унумли фойдаланадилар. Улар нутқида қуйидаги фонетик ҳодисалар коннотация ифодаси учун хизмат қилади: 1) унли товушнинг чўзиб талаффуз қилиниши; 2) ундош товушнинг иккилангирилиши; 3) сўзнинг бўғинларга ажратиб талаффуз қилиниши; 4) сўз бўғинининг такрори ва фонетик жиҳатдан ўзгартирилиши; 5) сўздаги товушларнинг фонетик жиҳатдан бузиб талаффуз этилиши.

15. Экспрессив-эмоционал бўёққа эга бўлмаган айрим сўзлар орқали коннотатив маънонинг юзага чиқишида боланинг олами қай тарзда тасаввур этиши ва уни тилга кўчириши муҳим ўрин тутди. Болалар нутқида қўлланган айрим антонимик жуфтликлар, ўзига хос метафорик қўлланишлар, ўхшатишга асосланган номлар, окказионал лексик бирликлар коннотатив маънони ифодалаш билан бирга, нутқнинг социал хосланишидан ҳам дарак беради. Мактаб ёшидаги болалар нутқида қўлланган лақаблар, диалектизм ва вульгаризмлар ҳам, гарчи адабий тил меъёрларидан чекиниш бўлса-да, нутқнинг таъсир кучини оширишга, сўзловчининг баҳо муносабатини акс эттиришга хизмат қилади.

16. Катталардан фарқли тарзда болаларда *-ча* аффикси эркаланиш, суйиш каби коннотатив маъноларни ҳосил қилади. *-ча* аффикси эгалик аффикси билан бирга қўлланганда бу каби коннотатив маънолар янада ёрқинлашади. Мактаб ёшидаги болалар нутқида *-гина* (*-кина*, *-қина*) аффикси кичиклик маъносини бўрттириб кўрсатиш орқали ҳам коннотацияга йўл очади.

17. Болалар нутқий таъсирчанликка эришишда *-чи*, *-да*, *-ку*, *-у(-ю)*, *-ки* юкломаларидан, ундов сўзлардан ниҳоятда кенг фойдаланадилар. Бу жиҳат болаларнинг ҳиссиётларини яшира олмасликлари, уни ошқора ифода этишга мойилликлари билан боғлиқ.

18. Мактабгача ёшдаги болалар нутқидаги ўзига хос сўз бирикмалари, ноодатий мурожаат бирликлари, синтактик окказионализмлар, ўхшатишли қурилмалар, синтактик такрор ва инверсия ифоданинг таъсирчанлигини оширади, образлиликни юзага келтириб, тингловчини ўзига жалб қилади.

19. Болалар имо-ишоралар, мимик ифодалардан нутқни ихчамлаштириш, мазмунан тўлдиришда унумли фойдаланадилар.

20. Баҳо категорияси нутқ эгасининг нутқ объекти ҳақидаги шахсий муносабатининг ифодаси, субъектив қарашларининг мажмуидир. Катталардан фарқли тарзда болалар воқеликка муносабатини тўғридан-тўғри ифодалашга ҳаракат қиладилар. Баҳони ифодалаш жараёнида болалар адресатга таъсир кўрсатиш вазифасини ҳам адо этадилар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ  
АЛИШЕРА НАВОИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ**

**КУРБАНОВА МУНАВВАРА АБДУЖАББАРОВНА**

**ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЧИ  
УЗБЕКСКИХ ДЕТЕЙ**

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора наук ((DSc) зарегистрирована за номером № B2017.2.DSc/Fil70 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:** **Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Худайбергана Дурдона Сидиковна,**  
доктор филологических наук

**Маматов Абдумурод Эшонкулович**  
доктор филологических наук, профессор

**Хакимов Мухаммад Хужаонович**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Андижанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Fil.19.01 при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Адрес: город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, 103. Тел.: (99890) 318-25-30; e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz) ).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрирована за номером \_\_\_\_\_). (Адрес: 100100, город Ташкент, Яккасарайский район, улица Юсуфа Хос Хожиба, 103. Тел.: (99890) 318-25-30).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(Протокол реестра рассылки \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Ш.С.Сирожидинов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

**Ё.Р.Одилов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н.

**Н.М.Махмудов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность диссертации.** В последние годы в мировой лингвистике, в научных исследованиях по языкознанию превалирует тенденция антропоцентрического подхода к изучению языковой системы. В прагмалингвистике, сформированной в конце прошлого столетия как одно из ведущих направлений антропоцентрического языкознания, особое внимание уделяется изучению возможностей языковых единиц, реализуемых в тесной связи с рядом таких факторов, как речевая ситуация, контекст, общие знания носителей речи об объекте речи, языковые навыки и квалификации.

В мировой лингвистике наряду с подобными проблемами прагмалингвистики актуальным является и изучение реализации в детской речи коммуникативной цели, прагматических особенностей видов речевых актов у детей, речевой коннотации и оценочного отношения у детей. Как выясняется, национально-культурный образ мира в сознании детей, образующийся на основе социально-культурных, психофизиологических, языковых факторов и концептуальных знаний, в процессе речевой деятельности реализуется с помощью своеобразных вербальных выражений и отражает прагматические особенности. Исследование на примере речи узбекских детей прагмалингвистических особенностей речевых видов, образующихся как результат этого когнитивного процесса, несомненно, даст для прагмалингвистики очень ценные теоретические знания.

В узбекской лингвистике серьезное внимание уделяется прагмалингвистическому исследованию языковых единиц. В результате заложена основа узбекской прагмалингвистики. Сегодня требуется над дальнейшим развитие работ в данном направлении, наладить системное сотрудничество научной, образовательной и технической сфер. Ибо работа в данном направлении занимает важное место в решении задач «совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг», намеченных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах<sup>1</sup>. Изучение прагмалингвистических особенностей речи узбекских детей считается одной из задач, ждущих своего практического решения. Решение данной проблемы способствует определению образа мышления, знаний о мире, лингвокреативного потенциала, коммуникативной способности детей, а также степени реализации внутренних возможностей языковых единиц, свойственных их речи. Это обуславливает актуальность и востребованность темы диссертации.

Данная диссертация в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан №4947-УП

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

«О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановления №2789-ПП «О реализации мер по совершенствованию организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, №3305-ПП «Об организации деятельности Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан» от 30 сентября 2017 года и других нормативно-правовых актов, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Пути формирования системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и просветительском развитии информационного общества и демократического государства и их воплощения».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.<sup>2</sup>**

Исследование когнитивно-прагматических аспектов детской речи осуществляется в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, таких как Waseda University (Япония), University of Cambridge (Англия), University of Oxford (Англия), University of Alberta (Канада), Griffith University (Австралия), Киевский национальный университет (Украина), Уральский государственный педагогический университет, Волгоградский социально-педагогический университет, Российский государственный педагогический университет, Московский государственный лингвистический университет (Россия), а также Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы (Узбекистан).

В последние годы в процессе исследования образования прагматических значений детской речи получен ряд научных результатов, в частности: обосновано образование детьми речевых актов, выражение в них прагматической способности (Waseda University, Япония); доказана коннотативная особенность детской речи (University of Cambridge, Англия, University of Oxford, Англия), University of Alberta, Канада), Griffith University, речи детей, общие и дифференциальные особенности в вариациях речевых актов (Киевский национальный университет, Украина); установлен неологический дискурс детской речи (Уральский государственный педагогический университет, Россия); обосновано употребление прозвищ в коммуникации детей школьного возраста, на примере художественного текста внесена ясность в проблему языковой личности, эмотивной компетенции, выражения лингвистической картины мира в речи детей, говорящих на английском языке (Волгоградский социально-педагогический университет, Россия); научно обосновано усвоение в период онтогенеза

---

<sup>2</sup>Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе сайтов <https://www.waseda.jp/top/>, <https://www.cam.ac.uk/>, <http://www.ox.ac.uk/>, <https://www.ualberta.ca/>, <https://www.griffith.edu.au/>, <http://www.univ.kiev.ua/ru/>, <https://uspu.ru/>, <http://www.volsu.ru/>, <https://www.herzen.spb.ru/>, <https://linguanet.ru/>, <http://www.navoiy-uni.uz> и других источников.

средств, выражающих дейксис личности, пространства, времени (Российский государственный педагогический университет, Россия); раскрыты ассоциативно-прагматические особенности детской речи (Московский государственный лингвистический университет, Россия); установлены причины явлений, формирующих в детской речи прагматическое содержание (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы, (Узбекистан)).

В мировом языкознании в рамках исследования проблем, связанных с проявлением в детской речи прагматической интенции, проводится ряд исследований, в частности, в следующих приоритетных направлениях: определение степени усвоения дейктических единиц в период онтогенеза; раскрытие дискурсно-прагматических особенностей речи детей младшего возраста; определение роли лингвистических и нелингвистических факторов в обеспечении детьми речевой экспрессии; обоснование причин появления социопрагматических проблем в речи билингвальных детей.

**Степень изученности проблемы.** В мировой лингвистике последовательно изучается проблема выражения дейксиса в детской речи. В работах, посвященных анализу данной проблемы, определены также этапы усвоения детьми дейктических единиц.<sup>3</sup> В прагматическом исследовании детской речи наряду с лингвистическими материалами, собранными в процессе непосредственного наблюдения их речи и проведения специальных экспериментов, использован также опыт целевого использования примеров из художественных произведений. В частности, в исследованиях Е.Белоглазовой, О.Л.Строгоновой на примере художественных текстов изучены дискурсивно-прагматические и лингвистико репрезентативные особенности детской речи.<sup>4</sup> Проявление репрезентативных особенностей детской речи в тесной связи с образом персонажа, художественными задачами, определенными писателями научно обосновано и в работах Е.Ю.Моисеенко.<sup>5</sup> В отдельных источниках, посвященных исследованию проблемы формирования детской речи, определены неязыковые факторы, демонстрирующие в речи прагматические особенности.<sup>6</sup>

В узбекском языкознании прагмалингвистические особенности детской речи не являлись объектом отдельного изучения. Однако в монографическом аспекте были исследованы языковые особенности, социопсихо-

---

<sup>3</sup>Доброва Г.Р. Онтогенез персонального дейксиса / <http://www.dslib.net/jazyko-znanie/ontogenez-personalnogo-dejksisa.html>; Королев В. Стадии освоения детьми средств выражения локативного и темпорального дейксиса / <http://cyberleninka.ru/article/n/#ixzz2K6sLGDIP>; Краснощекова С.В. Местоименный дейксис в русской детской речи / <https://iling.spb.ru/dissovet/theses/.../thesis.pdf>

<sup>4</sup>Белоглазова Е.В. Дискурсивная гетерогенность литературы для детей: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2010. – 30 с.; Строгонова О.Л. Особенности репрезентации языковой личности подростка: лингво-прагматический аспект (на материале современных англоязычных учебно-методических комплексов и художественной литературы о подростках). <http://dissers.ru/1filologiya/.php>

<sup>5</sup>Моисеенко Е.Ю. Дискурсно-прагматические особенности детской речи (на материале современного английского языка) / <http://avtoreferat.net/content/view/10628/31/>

<sup>6</sup>Детская прагматика или социально-психологический аспект развития речи / <http://matenok.ru/pragmatika.php>

